## ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТЛАРИ

*Тадбиркорлар шаҳардаги кенг кўламли қурилишларга сармояларини киритишяпти, бевосита турар жой, савдо ва хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишмоқда. Шу тариқа шаҳримиз борган сари обод ва кўркам бўлиб бормоқда.*

7 бет

## ЎРГАНГАН КЎНГИЛ...

*У мактаб ҳовлисини айланиб ўтиб, омбор эшигининг тутқичидан ушлаган ҳам эди, сигнализация ишлаб кетди. Шовқинни эшитган мактаб қоровули ташқарига чиқди. Уни кўрган йигитлар қочиб қолишди.*

9 бет

# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2011-yil 18-avgust, №33 (762)

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Жиззах шаҳри

*Ўтаётган ҳар бир кун юртимиз ҳамда халқимизни энг азиз ва энг улуғ байрам — истиқлолнинг 20 йиллик тантаналарига тобора яқинлаштирмоқда. Ушбу лаҳзаларда барчанинг кўнглида ёш ва навқирон давлатимизнинг тараққиётидан, унинг кун сайин кўркамлашиб бораётган жамолидан фахрланиш туйғулари ўтаётгани аниқ. Дарҳақиқат, шундай кўркам юртда, тупроғи олтинга тенг заминда яшамоқ бахт эмасми?! Бу бахт қучоғида масрур халқимиз юртимизни янада обод ва фаровон этиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келишаётир.*

## Юрт равнақи йўлида

**Рамазон ПЎЛАТОВ,**
Жиззах вилоят прокурори вазифасини бажарувчи

Бу жараёнда прокуратура органлари ходимлари ҳам четда тургани йўқ. Жиззах вилоят прокуратураси органлари ходимлари қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида самарали фаолият юритиб келмоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотлар билан боғлиқ қонунлар ижросини назорат қилиш ва бажарилишини таъминлашда прокуратура органлари олдига қўйилган масъулиятли вазифаларнинг бажарилиши таъминлаб борилаяпти.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари ҳар доимгидек асосий ва муҳим ўринни эгаллайди. Энг муҳими, ҳудудда барқарорлик ва тинчлик сақланади. Шу мақсадда жорий йилнинг ўтган даврида қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилиш, шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари мунтазам равишда мажлисларда, тезкор йиғилишларда кўрилиб, муҳокамалар якунига кўра қабул қилинган қарорларда навбатдаги вазифалар аниқ белгилаб олинмоқда.

Амалга оширилган тадбирлар самараси сифатида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги қатор кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ижобий томонга ўзгарди. Қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра қўлланилган прокурор назорати ҳужжатлари юзасидан қонунда белгиланган муддатларда қарорлар қабул қилинишига эришилган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг ижроси устидан назорат тартибида ўтказилган 273 та текширишларда аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 8110 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Жумладан, қонунга зид қарорларга нисбатан 486 та протест келтирилди, қонунбузилишларни бартараф этиш ҳақида ваколатли идораларга 540 та тақдимнома киритилди. 1506 нафар шахс келгусида қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди. Прокурор қарор ва тақдимномалари асосида 896 нафар шахс интизомий, 1573 нафари маъмурий, 75 нафари эса моддий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, қонунбузилишлар натижасида етказилган 76 млн. сўмлик зарарлар ихтиёрий ундирилди. Фуқаролик судларига 1 633,7 млн. сўмлик зарарни ундириш ҳақида 2465 та, хўжалик судига 7,9 млрд. сўмлик 517 та даъво аризалари киритилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан 19 марта текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бўйича 513 та прокурор назорати ҳужжатлари киритилди. Шунингдек, 8 та жиноят иши қўзғатилди.

/Давоми 4-бетда/

## Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларaро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Р.Қодиров раислигида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.*

Йиғилишда Республика Идоралараро комиссияси, унинг доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилий ишчи гуруҳи аъзолари, Бош прокуратура ва тегишли идораларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Ушбу йиғилишда Республика Идоралараро комиссиянинг иш режасига асосан одам савдосига қарши курашиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилояти ҳудудий идоралараро комиссиялари фаолиятини ўрганиш натижалари хусусида Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июндаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли учун захира иш ўринлари яратиш борасидаги фаолияти мониторинги натижалари ҳақида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳисоботлари тингланди.

Шунингдек, одам савдосига қарши курашиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш юзасидан ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ҳақида "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳисобот берди ҳамда одам савдосига қарши курашиш борасида комиссия фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда қайд этилган ҳудудий идоралараро комиссиялар томонидан муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланиб, йўл қўйилган камчиликлар танқид остига олинди. Одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи барча мансабдор шахсларнинг фаолиятига танқидий баҳо берилиб, ўз йўналиши бўйича соҳага доир тадбирларни бажарилишини жадаллаштириш ва takомиллаштириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, одам савдосига қарши курашишда аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса академик лицей ва касбҳунар коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш алоҳида аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, йиғилиш иштирокчиларининг эътибори кичик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш ва янги иш ўринларини яратиш масалаларига қаратилди.

Фуқароларнинг одам савдоси қурбонига айланиб қолишининг олдини олиш мақсадида тарғибот тадбирларини жадаллаштириш ва одам савдоси жабрдийдаларига тиббий, психологик, юридик, ижтимоий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш комиссиянинг асосий мақсадларидан бири эканлиги таъкидланди.

Йиғилиш якунида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, одам савдосига қарши курашишни янада кучайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши натижасига кўра қабул қилинган қарор ижро этиш учун тегишли вазирлик ва идораларга юборилди.

**Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси**

## Тадбиркорлар билан мулоқот

**Шавкат ЁДГОРОВ,**
«Huquq»

*Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор иқтисодиёти муносабатлари жадал суръатларда шаклланиб бораётган мамлакатлар, хусусан, мамлакатимиз иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутиб келмоқда. Шу сабабдан ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу жараён прокуратура органлари зиммасига ҳам қатор масъулиятли вазифаларни юкламоқда.*

Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан бу борада амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан 14 та текширув ўтказилган бўлиб, натижаларига кўра қонунбузилиши ва уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан 19 та тақдимнома киритилган, қонунга зид қарорларга нисбатан 20 та протест киритилиб, 29 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган. Шунингдек, 209 нафар шахс расман огоҳлантирилган, қўпол қонунбузилиши ҳолатлари бўйича 12 та жиноят иши қўзғатилган ва прокуратура аралашуви билан 138 нафар тадбиркорнинг муаммолари ҳал қилинган.

12 август куни "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар" мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Тошкент шаҳар прокурори М.Обидов семинарни кириш сўзи билан очар экан, бугунги тадбирдан кўзланган асосий мақсад жойлардаги айрим ҳокимият органлари ва назорат-текширув идоралари томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ноўрин аралашувлар, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳақида очиқ мулоқот юритиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишдан иборатлигига урғу бериб ўтди.

Семинарда Тошкент шаҳар солиқ бошқармаси, банк муассасалари, санитария ва ёнғиндан сақлаш органлари ҳамда электр, иссиқлик энергияси, газ ва сув таъминоти хизматларининг раҳбар ва мутасадди ходимлари, тадбиркорлар иштирок этишди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Зияев, Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қ.Нуров, Тошкент шаҳар Давлат Солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Мирзараҳимовлар соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган имкониятлар борасида маъруза қилдилар.

Семинар давомида тадбиркорлар ўзларини қизиқтираётган масалалар юзасидан саволларга жавоб олишди, мавжуд муаммолар юзасидан фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди.

Шунингдек, семинарда Бош прокуратура бошқарма бошлиғи А.Сангинов иштирок этди.

*Асосий Қонунимизнинг 35-моддасида ҳар бир фуқаро ваколатли давлат органлари, муассасалари ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги, мурожаатларнинг қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги алоҳида қайд қилинган.*

# Мурожаатга муносабат жиддий бўлсин

**Шерзод ШАРОПОВ,**
Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

2011 йилнинг 6 ойида Навоий вилоят прокуратураси органларига фуқаролар ва юридик шахслардан келиб тушган жами 2224 та мурожаат қонун талаблари асосида кўриб чиқилиб, бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, мурожаатларнинг 857 таси бевосита прокуратура органларида ҳал қилиниб, шундан 108 таси қаноатлантирилган. Уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилиши натижаси ўлароқ, жорий йилнинг 6 ойида келиб тушган мурожаатлар ўтган 2010 йилнинг 6 ойидагига нисбатан 4,7 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин.

Мавзу жиҳатидан турли масалаларни қамраб олган ариза ва шикоятларни ўз вақтида кўриб чиқиш чора-тадбирлари асносида фуқароларнинг мурожаатлари бўйича маълум ишлар қилинишига эришилди. Мисол учун, вилоят прокуратураси томонидан Кармана туманидаги "Камол шер чорва" хусусий корхонаси раҳбари М.Облаеванинг банк томонидан корхонага кредит ажратилиши пайсалга солинаётганлиги ҳақидаги аризаси ўрганилганда корхона раҳбарининг банк филиали бошлиғи номига кредит сўраб ёзган мурожаати бўйича бирор-бир ҳужжат расмийлаштирилмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги аниқланган. Прокуратура аралашуви билан хусусий корхонага банк томонидан 49 млн. 500 минг сўм кредит ажратилиши таъминланди.

Фуқаро Р.Сармpraванинг 4-сонли КМШКдан иш ҳақини ололмаётганлиги тўғрисида Конимех туман прокуратурасига ёзган аризасини текшириш давомида корхонанинг кадрлар бўлими бошлиғи Р.Сармановага 3 млн. 629 минг сўмлик иш ҳақи берилмасдан келинаётганлиги аниқланди. Прокуратура томонидан фуқаролик ишлари бўйича Навбаҳор туманлараро судига киритилган даъво аризасига асосан ходимнинг иш ҳақлари тўлиғича ундириб берилиб, корхона бош ҳисобчиси Я.Аҳмедовга нисбатан МЖтКнинг 49-моддаси билан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилган.

Маълумки, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"да ушбу йўналишда фаолият олиб бормоқчи бўлган тадбиркорларга кенг имкониятлар яратишга жиддий эътибор қаратилган. Шундай бўлса-да, айрим ҳолатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ноқонуний аралашувлар бўлаётганлиги ҳақида ҳам шикоятлар бўлиб турибди. Жумладан, якка тартибдаги тадбиркор А.Саидов Навоий шаҳар прокуратурасининг ишонч телефонига қўнғироқ қилиб, Марказий деҳқон бозорида жойлашган савдо дўконига бозор маъмурияти томонидан электр энергияси улаб берилмаётганлигини билдирган. Прокуратура аралашуви билан тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланган. Шунингдек, "Жумаш-Оразқул" хусусий корхонаси раҳбари Б.Штеновнинг банк раҳбарияти томонидан тўлаб берилмаётган, ДТ "Халқ банки" Зарафшон филиалига қарашли Учқудуқ минибанки маъмурий биносида бажарилган капитал таъмирлаш ишлари учун сарфланган 23 млн. 305 минг сўм пул маблағини ундириб олишда амалий ёрдам бериш ҳақидаги мурожаати Учқудуқ туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, 2009 йилнинг 1 декабрида икки томонлама тузилган шартномага асосан хусусий корхона томонидан ДТ "Халқ банки" Зарафшон филиалига қарашли Учқудуқ минибанкининг маъмурий биносида 2009 йилнинг декабрь ойидан 2010 йилнинг июнь ойига қадар 59 млн. 37 минг сўмлик капитал-таъмирлаш ишлари бажарилган. Аммо банк томонидан тўлов интизоми бузилган ҳолда фақатгина 33 млн. 38 минг сўм маблағ тўланган. Бу борада жорий йилнинг март ойида туман прокуратураси аралашуви билан хусусий корхонага 23 млн. 305 минг сўм пул маблағнинг ундириб берилиши таъминланди. ДТ "Халқ банки" Зарафшон филиали бошқарувчиси Ф.Пўлатовага нисбатан МЖтКнинг 175-моддаси 3-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган.

Шунингдек, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ, фуқароларнинг турар жой, меҳнат, дам олиш ҳуқуқларининг чегараланишига оид ариза ва шикоятлар ҳам жиддий эътиборда. Келиб тушган ва ҳал қилинган мурожаатлар бўйича қонунда белгиланган ҳамда назорат муддатларида асослантирилган жавоблар берилиши таъминланган. Вилоят прокуратураси органларида фуқароларни қабул қилиш Бош прокурорнинг соҳага оид буйруғига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, вилоят ҳамда қуйи прокуратураларда 2011 йилнинг ўтган 6 ойида жами 1929 нафар фуқаро қабул қилинди. Уларнинг 1554 нафари шахсан прокурор ва унинг ўринбосарлари томонидан қабул қилинган. Шундан бевосита меҳнат жамоаларига чиқиб қабул қилинган фуқаролар сони 507 нафарни ташкил қилган.

# Илмий-амалий семинар

*11-13 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республика Ҳарбий прокуратураси томонидан Ҳарбий прокуратура органлари тизимида хизмат қилаётган ёш мутахассислар иштирокида "Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги — барқарор тараққиёт кафолати" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.*

**Наврўз РАЙИМОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори ёрдамчиси

Илмий-амалий семинарни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори Ш.Узаков кириш сўзи билан очиб, республикамизнинг мустақилликни қўлга киритиши ва унинг аҳамияти, мамлакатимиз миллий истиқлол ва тараққиёт йўлининг мазмун-моҳияти, давлатимизнинг 20 йиллик мустақил тараққиёти даврида амалга оширилган изчил ва босқичма-босқич ислоҳотларни ёш мутахассислар эътиборига етказиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг семинар иштирокчилари ёш мутахассисларга Юртбошимиз томонидан яратилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг мазмун-моҳияти, мустақиллик йилларида эришилган натижалар таҳлили ва белгилаб берилган устувор вазифалар ҳамда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида батафсил маълумотлар беришди.

Семинарда сиёсий тизимдаги ўзгаришлар, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини изчиллик билан тақсимлашнинг амалга оширилиши, давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимининг шакллантганлиги, давлат мустақиллигини амалда рўёбга чиқарадиган тузилмалар (Мудофаа, Ташқи иқтисодий алоқалар, давлат божхона қўмитаси ва ҳоказо вазирликлар) фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, Республика Ҳарбий прокуратураси тизимида ёш мутахассисларнинг касбий маҳоратини ошириш, уларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарлигини ошириш, амалий тажрибага эга бўлиш ва малакаларини ошириш бўйича ўзаро фикрлар алмашинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг вакиллари, Республика Бош прокуратураси ходимлари, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза Маркази экспертлари, Тошкент Давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари ва бошқа соҳа мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мутахассислар муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдиришди. Семинарда қатнашган ёш мутахассислар ўзларини қизиқтирган саволларга маърузачилардан тўлақонли жавоблар олишди.

# Қонунбузилишлари бартараф этилмоқда

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Жиззах вилоят бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган етти ойи давомида солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш, уларни бартараф этиш ва олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.*

**Р.ЖЎРАЕВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Жиззах вилоят бошқармаси бошлиғи

Бошқарма ва ҳудудий бўлимлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларда, жами 146 та, жумладан, юридик шахсларда 69 та, жисмоний шахсларда 77 та текширишлар ўтказилди. Солиқ ва валютага оид жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш борасида ўтказилган текширишлар натижасида жами 123 та жиноят ва 18 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар фош этилди.

Аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан давлат бюджетига 5 млрд. 890,7 млн. сўмлик қўшимча солиқ ҳамда молиявий ва маъмурий жарималар ҳисобланиб, шундан 2 млрд. 109,5 млн. сўмининг ундирилиши таъминланди. Давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган 21 та яширин цех фош этилиб, жиноят ишлари қўзғатилган.

Вилоят ҳудудига ноқонуний товар-моддий бойликларнинг олиб кирилиши ва савдога чиқарилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар фош этилиб, 70 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Валюта соҳасидаги жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш борасида ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида 24 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 13 та жиноят ишлари қўзғатилган ва 11 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш юритилган ҳамда 8261 АҚШ доллари, 177 минг Қозоғистон тенгеси, 10 евро ва 43,6 млн. сўм ашёвий далил тариқасида олиб қўйилди.

Шунингдек, ноқонуний нақд пул айланмаларини аниқлаш борасида амалга оширилган тадбирлар натижасида 3 млрд. 628 млн. сўмлик ноқонуний пул айланмалари аниқланди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний фаолиятини амалга оширишда давлат ва ҳокимият органлари мансабдор шахслари томонидан қўйилган тўсиқларни бартараф қилиш, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш борасида 14 нафар мансабдор ва моддий жавобгар шахсларга нисбатан 11 та жиноят ишлари қўзғатилиб, суриштирув ҳаракатлари олиб борилган. Қўзғатилган жиноят ишлари юзасидан тадбиркорларга мансабдор шахсларнинг айби билан 43349,8 минг сўм зарар етказилгани аниқланиб, суриштирув ҳаракатлари натижасида 20492,8 минг сўм ундирилган.

Айрим ҳолларда ноқонуний текширишлар ўтказиш, шунингдек, ўз нафсини ўйлаб, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашиш, улардан тамагирлик қилиб, фирибгарликни ўзига касб қилиб олган шахслар ҳам учраб турибди.

Мисол учун, Департаментнинг Мирзачўл туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда аниқланишича, Қ.Амиров Ўзбекистон Республикаси Монополияга чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Жиззах вилоят бошқармасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш" шўъбаси бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, фуқаро Л.Снипичнинг бошқарма "Ишонч телефони"га қилган оғзаки мурожаатига асосан бўлим бош мутахассиси А.Холжигитов билан биргa Гагарин шаҳри "Мойчечак шифобахш фарм" хусусий корхонасига қарашли дорихонага бориб, дориларнинг нархини солиштириб, бу ҳақда маълумотнома тузиб, жарима солишга ҳуқуқи бўлмаса-да, 700,0 минг сўм жарима қўллаш ва дорихонани ёпиш билан дорихона ходимларини қўрқитиб, 400,0 минг сўм пул беришни талаб қилган.

Мазкур ҳолат юзасидан Департаментнинг Мирзачўл туман бўлими томонидан фуқаро Амиров Қаҳрамонга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

Шунингдек, Департаментнинг Мирзачўл туман бўлими ходимлари томонидан "Ортиқ" ва "Хўжайлак ота" фермер хўжаликлари раҳбарларининг аризаси ўрганилганда, "Дўстлик Нефтбаза" унитар корхонаси Иржар филиали 18-сонли Янгидала фермер хўжаликларига ёқилғи тарқатиш оператори Б.Дадамурудов мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, ўзининг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш ва ҳужжатларни қалбакилаштириш жиноятини содир этганлиги аниқланган.

Жумладан, Б.Дадамуродов 2010 йил давомида ҳисобот ва тарқатиш варақаларини қалбакилаштириб, "Ортиқ" фермер хўжалигига 2 млн. 084 минг 664 сўмлик 2290 литр дизел ёқилғисини ва "Хўжайлак ота" фермер хўжалигига 2 млн. 728 минг 016 сўмлик 3015 литр дизел ёқилғисини, жами 4 млн. 812 минг 680 сўмлик 5305 литр дизел ёқилғисини қўшиб ёзиб, ўзлаштириш орқали фермер хўжаликлари манфаатига зарар етказганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан, Департаментнинг Жиззах вилояти Мирзачўл туман бўлими томонидан фуқаро Бахтиёр Дадамуродовга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

# Демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим омили



**Қодиржон ОХУНОВ,**
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати

***Маълумки, бугунги ривожланган ва тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир давлатда мавжуд бўлган том маънодаги демократияни кўппартиявий тизимсиз тасаввур этиб бўлмайди. Оддий қилиб айтганда, демократия сиёсий партияларсиз, сиёсий партиялар демократиясиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Чунки жамиятда кўппартиявийликнинг мавжудлиги бу сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги деганидир. Таъбир жоиз бўлса, бу демократиянинг энг муҳим ва асосий шартларидан биридир.***

Асосий Қонунимизнинг 12-моддасида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши ҳақидаги конституциявий норманинг белгилаб қўйилгани ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ сиёсий партияларга фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида қаралиб, улар фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор берилди ва ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳақиқий маънода кўппартиявийлик тизимига асос солинди.

Таъкидлаш лозимки, сиёсий партиялар жамиятнинг энг фаол ва умумхалқ манфаатлари йўлида дунёқараши, мақсади, фикрлар муштараклиги бир бўлган мамлакат фуқароларининг муайян қисмини ўз сафида бирлаштирган ва сиёсий ҳокимият учун (парламент ва президент сайловларида) курашадиган сиёсий ташкилот бўлгани боис фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан ажралиб туради. У жамиятнинг барометри бўлиб, халқнинг давлат ҳокимияти тизимининг энг қуйи бўғинидан тортиб то юқори бўғинигача бўлган қисмини боғлаб турувчи кўприк вазифасини ўтайди. Сиёсий партиялар барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларига сайловларда иштирок этар эканлар, ўз навбатида, давлат ҳокимияти тизими ресурсларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашда алоҳида ўринга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" ғоясини илгари сурар экан, истиқлолимизнинг илк йиллариданоқ, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда сиёсий партияларнинг шаклланиши, уларнинг самарали фаолият юритишлари учун барча ҳуқуқий асосларни яратишга катта эътибор қаратилди. Натижада мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партияларнинг сезиларли даражада тажриба орттиришлари, уларнинг мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли демократик ўзгаришлардаги иштироки ва таъсири тобора ортиб боришига қулай замин яратилди.

Ўтган йилларда сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини босқичма-босқич кенгайтиришга қаратилган ҳаракатлар доимий равишда ривожлантириб борилди. Даставвал, Конституциямизда фуқароларнинг сиёсий партияларга уюшиш ва улар фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқи мустаҳкамланди. Унинг "Сиёсий ҳуқуқлар" деб номланган VIII бобидаги қатор моддаларда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига, шунингдек, уларни касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланди. Дастлаб, мамлакатимизда жамият ҳаётини янада либераллаштиришда муҳим роль ўйнайдиган фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қаратилган "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Кейинчалик, тузилиши, шакли, фаолиятининг турига кўра, жамоат ташкилоти бўлган, бироқ улар орасида ўзининг алоҳида муҳим ўрни инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги (1996 йил) Қонуни қабул қилинди. Шунинг баробарида, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида янада фаол иштирокини таъминлаш мақсадида уларнинг мамлакат парламенти сайловларида иштирок этишларининг ҳуқуқий асослари тубдан қайта кўриб чиқилди. Демократик сайловларнинг дунё талабларига жавоб берадиган тизими яратилиб, сиёсий партияларнинг уларда иштирок этиши учун зарур бўлган барча имкониятлар яратилди.

2004 йилда қабул қилинган "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни партияларнинг молиявий мустақиллигини, иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг зарур ҳуқуқий асосларини яратди.

Шу ўринда, 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонунга алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Мазкур конституциявий қонуннинг қабул қилиниши билан давлат бошқарувини янгилаш, янада демократлаштириш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг тутган ўрни ва роли кучайди, энг муҳими, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий онгини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини амалга оширишда уларнинг хоҳиш-иродасини янада кенгроқ рўёбга чиқариш борасида партияларга катта имконият ҳамда ҳуқуқлар берилди. Бугунги кунда сиёсий партиялар жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида самарали фаолият юритиб келмоқда.

Маълумки, 2010 йилнинг 12 ноябрида бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида мамлакатимиз Президенти томонидан "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" тақдим этилган эди. Концепцияда мамлакатимиз Конституциявий тизимида иккита янги институтни жорий қилиш билан боғлиқ Юртбошимиз таклифи алоҳида диққатга сазовор. Буларнинг бири келгусида Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ҳуқуқининг сиёсий партиялар ваколатига берилиши бўлса, иккинчиси Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини киритиш тартибини белгиловчи институтдир. Мамлакатимиз Конституциявий тизимида мутлақ янги иккита институтнинг жорий қилиниши Президентимиз таъбири билан айтганда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб бериш билан бирга жамоат ташкилоти ҳисобланган, лекин ўзининг функцияси, мақсад ва вазифасига кўра жамият сиёсий ҳаётида алоҳида ўрин тутувчи сиёсий партияларга юксак ишонч ва катта масъулият юклатилган.

Шу йилнинг 15 июль куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида "Демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тўғрисида"ги масалалар кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботи эшитилди.

Ушбу мажлис мамлакатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Концепциянинг амалдаги ижросини таъминлаш, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини рўёбга чиқариш доирасида ўтказилди. Бу билан миллий парламентимиз ва ижроия ҳокимият фаолиятида янги давр бошланди, дейишга тўлиқ асос бор. Қолаверса, бу Концепцияда белгилаб берилган улкан ишларнинг бир дебочаси, холос.

# Инсон ҳуқуқлари — устувор қадрият

**Тоғмурод МУРОДОВ,**
Қашқадарё вилоят прокурори ўринбосари
**Норбўта ҒОЗИЕВ,**
«Huquq»

***Ватанимиз истиқлолга эришганининг 20 йиллигини қалбларимиз фахр-ифтихор ҳисларига тўлган ҳолда кутиб олмоқдамиз. Мустақил диёримизда тарихан қисқа муддат ичида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда эришилган ютуқлар, халқимиз ҳаётида юз берган жуда катта ижтимоий ўзгаришлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.***

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов "Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир", деб таъкидлаганлари бежиз эмас. Бу пурмаъно гапда мустақилликнинг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти, Ватанимиз равнақига кўрсатган ва кўрсатаётган беқиёс таъсири аниқ ва лўнда қилиб ифодаланган.

Мустақилликка эришгач, мамлакатимиз ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлади ва бу йўлдан дадил илгарилаб бормоқда. Маълумки, инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари қай даражада таъминланганлиги ҳар қандай ривожланган ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, инсон ва унинг манфаати пировард мақсад сифатида барча ислоҳотларнинг марказига қўйилди.

Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимини ҳам чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштиришнинг мутлақо янги концепцияси ишлаб чиқилиб, ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида олға қараб дадил қадам ташланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг ғоялари ва бевосита ташаббуси билан жиноий жазо тизимига бир қатор янгилик ва ўзгартишлар киритилди. Хусусан, 2004 йилда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги суд-ҳуқуқ соҳасида туб бурилиш ясаб, ислоҳотларнинг муҳим босқичини бошлаб берди.

Ушбу қонун асосида амалдаги қонун ҳужжатларига жиноятларни таснифлаш билан боғлиқ бир қатор ўзгартишлар, жиноят учун жазо белгилаш ва уни ўташ қоидаларига ҳам муайян енгилликлар киритилди. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш доираси кенгайтирилди ва ярашув институти жорий этилди.

Суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва эркинлаштириш, жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга қаратилган либераллаштириш сиёсати кейинги йилларда ҳам изчил давом эттирилди. Жумладан, ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши, апелляция инстанциясида иш юритишнинг татбиқ қилинганлиги, қонуний кучга кирган ҳукмлар устидан шикоят қилиш имкониятларининг кенгайтирилганлиги, кассация инстанциясида тарафлар ҳуқуқларининг тенглаштирилганлиги жиноят-процессуал қонунчилигимизга ўзгача шакл ва мазмун бағишлади.

Мустақилликдан сўнг суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислоҳотларда асосий эътибор инсон шаъни ва қадр-қимматини юқори кўтаришга, унинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги эътиборга лойиқдир. Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонида таъкидланганидек, Ўзбекистон инсон ҳуқуқ ва манфаатларини жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишининг, бутун ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган.

*/Давоми 8-бетда/*







/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

# Юрт равнақи йўлида

Иш ҳақининг тўлови бўйича ўтказилган текширишларда қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан 819 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Жумладан, 19 та жиноят ишлари қўзғатилганлиги натижасида бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақларининг тўлиқ тўлаб берилиши таъминланди.

Вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш мақсадида, ҳудудий бандлик дастури ишлаб чиқилган. Унинг асосида 22 701 та янги иш ўринлари яратилди. Меҳнат бўлимлари томонидан 9029 нафар киши ишга жойлаштирилди.

Фуқаролар соғлиғини сақлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, "Соғлом она — соғлом бола" дастури асосида оналар ва болалар саломатлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан доимий прокурорлик назорати ўрнатилди.

Юртбошимизнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралашишнинг олдини олишга қаратилган Фармон ва қарорлари ижроси жойларда бир хилда бажарилишини назорат қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада ўтказилган назорат тадбирлари давомида қонунбузилишларга нисбатан 187 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 6 та жиноят иши қўзғатилди. Прокуратура органларининг аралашуви билан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари тикланиб, амалий ёрдам кўрсатилди. Вилоят прокуратураси органларига ўрнатилган "Ишонч телефонлари"га 129 нафар шахс мурожаат қилган бўлиб, мурожаатларнинг барчаси ҳал этилди ва шундан 82 таси қаноатлантирилди.

Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш мақсадида ҳокимлик, давлат бошқаруви ва бошқа масъул идоралар ходимлари иштирокида тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиб бориш йўлга қўйилди.

Шунингдек, текширишларда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашиш, уларнинг маблағлари ва моддий воситаларининг сақланиши борасида мутасадди идоралар масъул шахслари томонидан жиддий қонунбузилишига йўл қўйилишига ҳамон барҳам берилмаганлиги ҳолати аниқланди.

Жумладан, Пахтакор туманидаги "Хумо поликир" хусусий корхонаси раҳбари А.Юлдашев "Чўл қурувчиси" хусусий корхонаси ва хусусий тадбиркор "Бастамова Рухсат" билан Олтинкўл МФЙ ҳудудидаги Жиззах-Дўстлик автомобил йўли бўйидан ажратилган ер майдонида дўкон қуриб бериш учун шартнома тузган. Бироқ, корхона томонидан шартнома шартларига риоя қилинмасдан, ҳақиқатда 11,9 млн. сўмлик қурилиш ишларини бажариб, 23,1 млн. сўмлик қурилиш молларини нақд пулга сотиб юбориб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган. Мазкур ҳолат юзасидан "Хумо поликир" хусусий корхонаси раҳбари А.Юлдашевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан пул муомаласини такомиллаштириш, нақд пулни банкларга жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни қондириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, бу борада қабул қилинган қонун ҳужжатлари ижросининг тўлиқ таъминланиши юзасидан доимий назорат ўрнатилиб, мониторинглар олиб борилди.

Нақд пул тушумига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан белгиланган нақд пул тушуми прогнозларига нисбатан кам топширган ёки умуман топширмаган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти мунтазам равишда таҳлил қилиб борилди. Ўтказилган назорат тадбирлари натижаларига кўра аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан 465 та прокурор назорати ҳужжатлари, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 4 та жиноят иши қўзғатилди.

Хусусан, Жиззах туманидаги "Фаёзбек Йўлдошев" хусусий корхонаси раҳбари С.Худойбердиев "Жиззах асл ўғлони" МЧЖдан олган шакар маҳсулотини сотишдан тушган 19,5 млн. сўмни назорат касса машинасидан ўтказмасдан ҳамда банкка топширмасдан савдо қоидаларини жуда кўп миқдорда бузганлиги аниқланди. С.Худойбердиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Прокуратура органлари томонидан коммунал тўловларнинг ундирилишини тартибга солувчи қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар давомида аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан 1055 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 6 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Жумладан, "Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" ОАЖ мансабдор шахслари мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармасдан давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлганлар. Бу соҳадаги текширишлар натижасига кўра, "Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" ОАЖ ва "Зоир Санжар" фермер хўжалиги мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ижроси ҳамда таълим муассасаларида давлат мулкининг сақланиши юзасидан халқ таълими тизимларида ўтказилган 51 та текшириш натижасида мансабдор шахсларнинг қонунга зид буйруқларини бекор қилиш ҳақида 26 протест келтирилди. Қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан ваколатли идораларга 66 та тақдимнома киритилди. 159 нафар шахс огоҳлантирилиб, 676 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. 12 млн. 655 минг сўмлик зарарнинг ихтиёрий равишда ундирилиши билан бирга судларга даъво қиймати 1 млн. 400 минг сўмлик 3 та даъво аризаси киритилди. Шунингдек, 4 та жиноят иши қўзғатилди.

Масалан, Пахтакор туман прокуратураси томонидан тумандаги 9-сонли умумтаълим мактабида ўтказилган текширишда илмий бўлим мудири Т.Йўлдошевга 460 903 сўм, тарих фани ўқитувчиси М.Раҳматовага 139 932 сўм, фаррош М.Худойқуловага 135 528 сўм иш ҳақи нотўғри тўлангани аниқланган. Булардан ташқари, математика фани ўқитувчиси А.Ҳайдаровга 35 соат, химия фани ўқитувчиси Г.Маликовага 32 соат, биология фани ўқитувчиси Г.Фозиловага 32 соат дарс юкламалари меҳнат қонунида белгиланган иш вақти нормаларидан келиб чиқмаган ҳолда юклатилган. Уларнинг педагогик соатлар билан тўлақонли ва сифатли шуғулланиши имконияти йўқотилиши инобатга олинмаган. Аниқланган қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири номига тақдимнома киритилди. Мактаб директори Д.Хайриқулова эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Жиззах вилоят Халқ таълими бошқармасида ўтказилган текширишда 9-синф ўқувчилари ўртасида фан олимпиадасининг 3-босқичини ўтказишда Республика Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг қарори билан тасдиқланган "Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тўғрисида"ги Низом талаблари бузилганлиги ва олимпиада ғолибларини аниқлашда қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Текшириш натижасига кўра, Халқ таълими вазири номига қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида тақдимнома киритилди. Натижада вазирлик ва вилоят халқ таълими бошқармасининг тўрт нафар масъул мансабдор шахслари интизомий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, барча жойларда бўлганидек, Жиззах вилоят прокуратураси томонидан ҳам Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги Президентимиз Ислом Каримовнинг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасидан келиб чиқиб, бу маърузанинг мазмун-моҳияти ходимлар ва аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича бир қанча тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, жойларда семинарлар, маърузалар ташкил этилмоқда. Меҳнат жамоалари ва корхоналарда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш масалаларининг Концепцияда акс эттирилиши ва уйғунлашувига бағишланган учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Бу халқимизнинг ҳуқуқий онги ошишига хизмат қилиш билан бирга қонунийликни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Мухтасар қилиб айтганда, Жиззах вилоят прокуратураси органлари ходимлари қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ижобий фаолият олиб боришмоқда. Бу борада қабул қилинган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари уларга дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.



## Жиззах вилояти



Жиззах вилояти 1973 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳудуди 21,2 минг кв.км.

Аҳолиси 1 млн. 142,9 минг кишини ташкил этади. Вилоят 12 та туман ва 1 шаҳардан иборат. Вилоятда 21568 та тадбиркорлик субеъкти фаолият кўрсатаяпти. 551 та умумтаълим мактаблари, 4 академик лицей, 75 коллеж, 2 олий ўқув юрти мавжуд.

Даволаш муассасалари 243 та, спорт иншоотлари 2629 тани ташкил этади.




# Бу заминнинг зарраси олтин

## уни елга совуриш яхшиликка олиб келмайди

***Бу замин муқаддас. Унинг олтинга тенг ҳар бир заррасини қадрлашимиз лозим. Ердан ноқонуний фойдаланиш, унга хиёнат қилиш кечирилмайди. Бу нафақат халқимиз томонидан, балки қонунларимиз томонидан ҳам тақиқланади.***

**Хайрулла ХОЛБОЕВ,**
Жиззах вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Вилоят прокуратураси органлари томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида ердан қатъий равишда мақсадли ва оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар аҳволи таҳлил қилиб борилади. Жиззах вилоятининг умумий ер майдони 2 117,8 минг гектарни, шундан қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 1 266,3 минг гектарни, ҳайдаладиган экин ерлари 486,0 минг гектарни, шундан сувли ерлар 264,4 гектарни, лалми ерлар 221,6 гектарни ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар 649,5 минг гектарни ташкил қилади.

Фермер хўжаликлари сони 4735 та. Уларнинг 2231 таси пахта ва ғаллачилик, 1482 таси ғаллачилик, 389 таси боғдорчилик, 331 таси чорвачилик, 150 таси сабзавотчилик, 93 таси узумчилик, 26 таси тутчилик ва 16 таси бошқа йўналишларга ихтисослашган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган таҳлиллар вилоятда туман ҳокимликлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ҳамда бошқа мутасадди идоралар раҳбарларининг масъулиятсизликка йўл қўйиши, ерлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш юзасидан доимий назорат амалга оширилмаганлиги натижасида ушбу йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда унумдорлиги юқори бўлган майдонларга бошқа экинлар экилиб, аксинча унумдорлиги паст бўлган майдонларга бошқа экинлар экилишига йўл қўйилиб, ерлардан мақсадсиз фойдаланилаётганлигини кўрсатмоқда. Бу борада доимий назорат ўрнатилиб, ўтказилган назорат тадбирлари давомида қонунбузилиши ҳолатлари аниқланиб, тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда.

Ўтказилган мониторинг ва текширишлар натижасига кўра, ғайриқонуний ҳужжатларни бекор қилиш юзасидан 2 та протест келтирилиб, ваколатли идораларга 41 та тақдимнома киритилди. 978 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилиб, 13 нафар шахсларга нисбатан интизомий, 529 нафар шахсларга нисбатан маъмурий ва 16 нафар шахсларга нисбатан моддий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилди. Етказилган 983,0 минг сўм зарарнинг ихтиёрий қопланиши таъминланди. Аниқланган жиддий қонунбузиши ҳолати юзасидан 8 та жиноят ишлари қўзғатилди. Жумладан, Зомин туманида шу йил ҳосили учун экилган ғўзани парвариш қилиш билан боғлиқ агротехник тадбирларнинг бажарилиши юзасидан ўтказилган мониторингда, туман ҳокимлиги ва "Қишлоқхўжаликкимё" ҲАЖ туман филиали мансабдор шахслари ўзларининг мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, ғўзани озиқлантириш учун лимит асосида ажратилган минерал ўғитларни бошқа экинлар учун ишлатиб юборишган. Натижада 1047 гектар майдондаги ғўза ривождан орқада қолганлиги ҳамда "Қишлоқхўжаликкимё" ҲАЖ Зомин туман филиалида юритилган минерал ўғитлар чиқими тўғрисидаги китобларда тумандаги "Тошпўлат Шуҳрат" фермер хўжалигига 5 тонна аммиакли селитра минерал ўғити чиқим қилинганлиги қайд этилган бўлса-да, ҳақиқатда фермер хўжалигига минерал ўғитлар берилмасдан, филиалнинг масъул шахслари томонидан талон-торож қилинган. Ушбу ҳолат юзасидан Зомин туман ҳокимлиги ва "Қишлоқхўжаликкимё" ҲАЖ Зомин туман филиали мансабдор шахсларига нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шу каби, ўтказилган мониторингларда вилоятда бу йил ҳосили учун пахта ва ғалла экинларини жойлаштиришда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси мансабдор шахслари ўзларининг мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб келишган. Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер муносабатларини тартибга солиш, ер тузишни ва ерлар мониторингини ташкил қилиш бўйича давлат назоратини амалга оширмасдан, ердан оқилона фойдаланиш юзасидан доимий назорат олиб бормаганлиги натижасида ушбу йил ҳосили учун пахта ва ғалла экинларини жойлаштиришда унумдор ерларга бошқа экинлар экилган. Пахта ва ғалла унумдорлиги паст майдонларга экилишига йўл қўйилган. Зомин туманида 875 гектар майдонга чигит кам экилганлиги, 357 гектар майдонда чигит униб чиқмаганлиги, туманда пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига бошқа экинлар экиш режалаштирилмаган бўлсада, 1838 гектар майдонга бошқа экинлар экилишига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Жиззах туманидаги "Лалмикор" фермер хўжалиги раҳбари У.Норматов 2011 йил ҳосили учун 25,5 гектар майдонга экилган ғўзани парвариш қилиш билан боғлиқ муҳим агротехник тадбирларни амалга оширмаганлиги сабабли 4 гектар майдонда умуман ғўза униб чиқмаган. Ғўзани парваришлаш учун ажратилган 25228,0 минг сўм маблағлар бошқа мақсадлар учун ишлатилиб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилган.

Мирзачўл туманида А.Ҳамдамов ўзбошимчалик билан тумандаги "Абулқосим Абдужалил" фермер хўжалигига тегишли бўлган 11,4 гектар майдонни эгаллаб олиб, ўрнига полиз экинлари экиб олганлиги ҳолати аниқланди. А.Ҳамдамовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.







# Музейлар тарих кўзгусидир

**Ҳисомиддин ИГАМБЕРДИЕВ,**
Жиззах вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи

***Музейлар ўтмиш билан бугунги кунни бир-бирига боғловчи кўприкдир. Ўтаётган ҳар бир кун тарихдан жой олади. Ўтмишни унутганнинг келажаги бўлмайди. Буюк ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий ҳам "Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир" деганларида нақадар ҳақ эди. Шу боис, музейларнинг аҳамияти жуда катта. Муҳтарам Юртбошимиз, "Модомики ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур" деб таъкидлаган эдилар.***

Шу жиҳатдан, "Жиззах вилоят прокуратураси тарихи музейи" ташкил этилиши прокуратура тизимида муҳим янгилик бўлди. Уни ташкил этишдан мақсад, прокуратура тарихига оид ҳужжат ва буюмларни сақлаш, аввал ишлаган ходимлар таржимаи ҳолини ўрганиш, ёш ходимларга ўрнак бўлувчи маълумотларни экспозицияда намойиш этиш ҳамда бу ерга ташриф буюрган меҳмонларни Жиззах вилоятининг бой тарихи билан таништириш эди.

Музей ташкил этилиши тарихи Жиззах вилоят прокурори П.Бобожоновнинг 2006 йил 11 сентябрдаги 24-сонли Фармойишига мувофиқ ишчи гуруҳи тузишдан бошланган. Мазкур ишчи гуруҳ вилоят прокуратураси фаолиятини акс эттирувчи, шунингдек, вилоятимиз тарихи ва бугунги кунига доир ҳужжатларни, моддий ашёларни топиш ҳамда жамлаш вазифаларини аъло даражада уддалади. Шундай қилиб, тўлиқ жиҳозланган ушбу музей Наврўз байрами арафасида, яъни 2007 йил 21 март куни фойдаланиш учун топширилди.

Музей учта экспозиция залидан иборат бўлиб, улардаги 6 та бўлимда 40 ортиқ мавзу ўз ифодасини топган. Биринчи залда вилоятимиз тарихи ва унинг қадамжолари ҳақида маълумот берувчи қимматли археологик буюмлар ва топилмалар мавжуд. Шунингдек, ушбу залдан мустақиллик йилларига қадар вилоят прокуратураси органларида фаолият кўрсатган прокурор-тергов ходимларининг иш жараёнлари ва улар томонидан фойдаланилган турли хил асбоблар ҳам ўрин олган.

Музейнинг иккинчи залида мустақиллик йилларида вилоятдаги улкан ўзгаришлар, ўсиш жараёнлари, қурилган янги иншоотлар ҳамда Республика Бош прокуратураси фаолиятига оид муҳим лавҳалар акс этган.

Учинчи зал мустақиллик йилларидаги прокуратура фаолиятига бағишланган. Унда шу кунга қадар фаолият юритиб келаётган вилоят прокуратураси маҳкамаси ва шаҳар-туман прокуратуралари фаолиятидан лавҳалар, ходимларнинг спорт соҳасидаги ютуқлари, прокурорлар тайёрлаган қўлланмалар, китоблар, хизмат ютуқларини кўрсатувчи нишонлар ҳамда криминалистикага оид бошқа буюмлар ўз ифодасини топган.

Бугунги кунда вилоят прокуратураси ҳамда 13 та ҳудудий прокуратураларда жами 93 нафар прокурор-тергов ходимлари меҳнат қилиб келишмоқда. Кўп йиллик самарали ва бенуқсон хизматлари учун Э.Жумаев, Т.Суюндиқов ва Қ.Назаровлар "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист" унвони, Р.Муҳитдинов, Л.Абдукеримова, Г.Ҳамроева ва Г.Соатовалар "Шуҳрат" медали, Б.Абдусаттаров, Л.Поздеева ва Т.Сагатовлар "Прокуратура фахрий ходими" кўкрак нишони билан тақдирланганлар. Бу каби ютуқлар ёш кадрларга ўрнак бўладиган даражада музейда ўз аксини топган.

Жиззах вилоят прокуратураси жамоаси ҳуқуқий фуқаролик жамияти тараққий топиши учун бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Бошқача айтганда, қонунийликни таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур чора-тадбирларни кўрмоқда. Ана шу жараёнлар музейда ўз аксини топиб бормоқда.

Кечаги кун бугун тарихга айланиб, унинг зарварақларидан жой олади. Шу маънода музейнинг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди.

# Фуқаролар манфаатини кўзлаб

**Б.НОРОВ,**
Бош прокуратура бўлим бошлиғи

***Ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда асосий эътибор фуқароларни, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда оила аъзоларининг манфаатларини қўриқлаш ҳамда вояга етмаганлар ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларини ҳимоялашга қаратилган бўлиб, қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатлари ҳамда бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар айнан шу йўналишга қаратилгандир.***

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумида қабул қилинган "Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишларни кўришда қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги ва "Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида"ги Қарорлар бунга яққол мисол бўла олади.

Мазкур қарорлар судлар томонидан оила ва мерос ҳуқуқига оид қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда қонуний ва асослантирилган қарор қабул қилиниши ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан бир пайтда амалиётда учраётган айрим муаммоларни бартараф этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратура органлари томонидан 2011 йилнинг 6 ойида Бош прокурорнинг 2004 йил 11 майдаги 22-сонли буйруғи ва ҳайъат қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, фуқаролар, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ходимларнинг касб маҳоратларини ошириш борасида муайян тадбирлар амалга оширилган.

Таҳлилий маълумотларга кўра, жорий йилнинг 6 ойида биринчи инстанция судлари томонидан жами 203 253 та фуқаролик ишлари кўрилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 79 453 тага ортган. Кўрилган ишларнинг 130 867 тасида ёки 64,4 фоизида прокурор иштироки таъминланган бўлиб, ўтган йилга нисбатан бу кўрсаткич 8 фоизга ортган.

Апелляция тартибида 469 та, кассацияда 667 та, назорат тартибида 148 та асоссиз суд қарорларига нисбатан прокурорлар томонидан протестлар келтирилган. Суд қарорларига протест келтириш самарадорлиги апелляция инстанциясида 88, кассацияда 89,2 ҳамда назорат инстанциясида 49,2 фоизни ташкил этган.

Прокурорлар томонидан судларга ўтган даврда етказилган моддий зарарларни ундириш ва бошқа масалалар юзасидан 12 351 та даъво аризалари киритилган бўлиб, 7763 та 23 млрд. 275 млн. сўмлик даъво аризалари судларда мазмунан кўрилган ва суд қарорлари асосида ҳисобот даврида 17 млрд. 382 млн. сўм ёки 74,7 фоиз зарарларнинг ҳақиқий ундирилиши таъминланган.

Шунингдек, бўлимда асосий эътибор фуқароларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган муддатларда ҳал қилинишига қаратилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида бўлимга фуқаролардан жами 2100 та ариза ва шикоят келиб тушган бўлиб, шундан 539 таси бевосита бўлим ходимлари томонидан кўриб чиқилиб, 8 та ариза текшириш натижасига кўра қаноатлантирилди.

Жумладан, даъвогарлар И.Караматов ва унинг турмуш ўртоғи А.Караматовалар судга даъво ариза билан мурожаат қилишиб, жавобгар ўғиллари Караматов Набижон уларни қонунни яхши тушунмаганликлари, кўзлари яхши кўрмаслиги ва яхши эшитмасликларидан фойдаланиб, бошиданоқ унга уй-жойни ҳадя қилмоқчи эмасликларини билиб туриб, уларнинг розилигини олмай касалхонага олиб бораман дея алдаб, Каттақўрғон шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасига олиб келганлигини, уй-жойни ҳадя қилиш учун давлат нотариал идорасига уларнинг номидан ариза ёзиб, имзони ҳам ўзи қўйганлигини билдириб, ҳадя шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраганлар.

Фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг 2010 йил 6 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарлар И.Караматов ва А.Караматоваларнинг жавобгарлар Н.Караматов ва Каттақўрғон шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасига нисбатан даъво талаблари қаноатлантирилиб, Каттақўрғон шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида И.Караматов ва Н.Караматовлар ўртасида Каттақўрғон шаҳар, Ярмухамедов кўчаси 41-уй-жой бўйича 2006 йил 1 декабрда тузилган, реестр рақами 2181-сонли ҳадя шартномаси ҳақиқий эмас деб топилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг 2011 йил 25 январдаги ажрими билан фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг 2010 йил 6 декабрдаги ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвогар Н.Караматов ва А.Караматоваларнинг даъво талабларини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Иш ҳужжатларига кўра, И.Караматов ва А.Караматовалар 1955 йил 30 мартда қонуний никоҳдан ўтишган бўлиб, собиқ Халқ депутатлари кенгаши Каттақўрғон шаҳар ижроия қўмитасининг 1985 йилдаги қарорига асосан Каттақўрғон шаҳар, Ярмуҳамедов кўчаси 239-уй И.Караматовга тегишли бўлган.

Каттақўрғон шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида И.Караматов ва Н.Караматовлар ўртасида 2006 йил 1 декабрда тузилган, реестр рақами 2181-сонли ҳадя шартномасига асосан Каттақўрғон шаҳар, Ярмуҳамедов кўчасидаги 41-уй-жой уларнинг ўғли Н.Караматовнинг номига расмийлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 15-моддасида суд тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона аниқлаш учун қонунга асосланган ҳолда чоралар кўришга ҳақли. Суд ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши, уларни процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ёки амалга оширмасликнинг оқибатлари тўғрисида огоҳлантириши ҳамда уларга ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида ёрдам кўрсатиши лозим деб кўрсатилган бўлса-да, суд томонидан ишнинг ҳақиқий ҳолатлари аниқланмаган.

Шу сабабли Бош прокуратура томонидан мазкур фуқаролик иши бўйича суд қарорларини бекор қилиш ҳақида назорат тартибида киритилган протест Ўзбекистон Республикаси Олий судида кўрилиб, қаноатлантирилган.

Фуқароларнинг аризалари асосида жами 152 та фуқаролик ишлари назорат тартибида ўрганилиб, суд қарорларининг қонунийлигига баҳо берилган.

Келиб тушган аризаларнинг 146 таси ишга тиклаш, 881 таси уй-жой масалалари юзасидан, 57 таси моддий-маънавий зарарларни ундириш билан боғлиқ аризалар ҳисобланади.

Бўлим ходимлари томонидан 113 нафар фуқаро қабул қилиниб, уларга тушунтиришлар берилган.

Бўлим иш режасига кўра, битимлар билан боғлиқ фуқаролик ишларининг судларда кўрилишида давлат божи ундирилиши фаолияти ўрганилиб, умумлаштирилди.

2010 йилда фуқаролик ишлари бўйича биринчи босқич судларида жами 289 124 та фуқаролик ишлари мазмунан кўрилган бўлиб, шундан битимлар билан боғлиқ 9 223 млн. сўм ундириш ҳақидаги, жами 7 635 та фуқаролик ишлари судлар томонидан кўрилган. Шундан суд қарорларига асосан 6831 та фуқаролик иши бўйича 2 277,6 млн. сўм ва 11 458 АҚШ доллари миқдоридаги давлат божлари ундирилиши белгиланган ва 3707 та иш бўйича 595,5 млн. сўмлик ёки 26,1 фоиз давлат божлари ҳақиқатда ундирилган.

Умумлаштириш жараёнида судлар томонидан 151 та ҳолатда 228 млн. 701 минг сўм давлат божи кам ундирилганлиги ва 14 та ҳолатда 4 млн. 674 минг сўм фуқаролардан ортиқ ундирилган ҳолатлар аниқланиб, судлар томонидан қабул қилинган асоссиз қарорларни қонунга мувофиқлаштириш учун Республика прокуратура органлари томонидан жами 165 та протестлар келтирилиб, шундан 124 таси кассация тартибида келтирилган протестлар бўлса, 41 таси назорат тартибида келтирилган протестларга тўғри келади.

Хулоса қилиб айтганда, фаолиятимиз самарадорлигини янада ошириш ва мамлакатда қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасида барча чоралар кўрилмоқда.

# Шайтон тузоғига илиниб...

**Асомиддин ҲИКМАТОВ,**
СВОЖЖДЛКК Департаментининг
Янгиер шаҳар бўлими
катта суриштирувчиси

***Инсон яралибдики, шайтони лаъин ундан бир қадам ҳам ортда қолмай, доимо уни таъқиб этиб юради. Унинг мақсади битта — қандай бўлмасин одам боласини йўлдан уриб, хонавайрон этиш, охироқибат ўчини олишдир. Бу ҳақда эшитмаган ёки ўқимаган киши деярли топилмаса керак.***

Шариф Муртазоевни бу ҳақда эшитмаган дейиш қийин. Ёши элликка чиқиб, ҳаётнинг аччиқ-чучукларини анчамунча татиб улгурган бу шахс, нима бўлди-ю шайтоннинг тузоғига илиниб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди. Йўқса, кичикроқ бўлса-да, бир лавозимнинг эгаси, яъни Сирдарё вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" ҲАЖ Янгиер туманлараро филиалининг омбор мудири эди. Шунга яраша обрўси ҳам бўлиб, эл қатори оиласини бокиб келаётганида, шайтон кўрсатган йўлга оёқ қўйди-ю...

Умуман олганда унинг иши унчалик қийин эмас эди. Хизмат вазифасига, минерал ўғит ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан етказиб берилган минерал ўғитларни юк хатларига асосан қайд қилиб олиб, кирим қилиш ва сақлаш, сўнгра туманларда жойлашган филиалга қарашли шохобчалар ҳамда ушбу туманлардаги фермер хўжаликлари раҳбарларига тарқатиб, чиқим қилиш кирарди.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг 29 январигача ишлар шу йўсинда давом этиб келди. Бироқ, айнан ўша куни омбор ҳовлисидан чиққан юк автомашинаси кўп ўтмай орқасига қайтиб келди. У билан бирга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳам кириб келишди. Аниқланишича, машинага ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 22 қоп "аммиакли селитра" минерал ўғити юкланган экан.

Ҳайдовчи билан унинг шериги шу куни вагонларда келган минерал ўғитларни ташиш ишлари билан банд бўлишганини, хизмат ҳақи эвазига эса омбор мудирининг рухсати билан унга вақтинчалик ёрдам бераётган укаси 22 қоп "селитра" берганлигини айтишгач, ушбу ҳолат бўйича керакли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, филиал омборида текширув ўтказиладиган бўлди.

Мутахассислар жалб этилиб, текшириш бошланди. Бухгалтерия ҳисоботларига асосан мудирнинг моддий жавобгарлигида минерал ўғитлар: "аммиакли селитра"дан 58 177 750 кг., "карбомид"дан эса 50 кг. қолдиқ мавжуд бўлиши керак эди. Аммо минерал ўғитлар қайта ўлчаниб, текширув ўтказилаётган кун ҳолатига тузилган ҳисоботлар билан табиий йўқотишни қўллаган ҳолда солиштирилганда 27 млн. 704 минг сўмлик 142 тонна-ю 115 кг. "аммиакли селитра" ҳамда 13 минг 168 сўмлик 50 кг. "карбомид"минерал ўғитларидан камомад борлиги маълум бўлди.

Мудир баъзида ҳайдовчилар билан натура шаклида ҳисоб-китоб қилганлиги, яъни хизмат ҳақининг ўрнига минерал ўғит бериб турганлигини тан олса-да, шунча минерал ўғит қаёққа ғойиб бўлганлигини айтиб беролмади.

Шундай қилиб афсуски шайтон яна бир марта ўз мақсадига эришди. Натижада беш нафар шахс суднинг қора курсисидан жой олди. Омбор мудирининг ёнида укаси, икки нафар ҳайдовчидан ташқари ўша куни омбор дарвозасида постда турган ўқўриқлаш бўлими ходими ҳам ўтиришар эди. У чиқиб кетаётган машинани текшириб кўришга эриниб, дарвозани очиб берган экан.

Инсонпарварлик тамойилларига асосан иш кўрган суд ҳайъати судланувчиларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш эмас, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топди. Бунда, албатта, "Қишлоқхўжаликкимё" ҲАЖнинг Янгиер туманлараро филиалига етказилган моддий зарарнинг деярли тўлиқ қопланганлиги, судланувчиларнинг айбларига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишларидан пушаймон эканликлари, иш жойларидан ижобий тавсифланганликлари каби ҳолатлар эътиборга олинди. Шунингдек, юк автомашинасининг юкхонасидан ташқари, кабинаси билан трансмиссияси ҳам минерал ўғитларни жойлаш учун махсус жиҳозланганлиги ҳамда айнан 29 январь куни ҳам унинг кабинаси билан юкхонасидан ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган 22 қоп минерал ўғит топилганлиги боис, юк автомашинаси жиноят қуроли деб топилиб, давлат эгалигига ўтказилиши ҳақида қарор қилинди.

# Истиқлол неъматлари

*Маҳаллалардаги тарғибот тадбирлари, учрашув ва суҳбатларда эътибордан четда қолиб келаётган айрим турмуш муаммолари кўндаланг бўляпти. Хусусан, шаҳар чеккасида, Олтинкўл туманига туташ манзилда жойлашган, 1999 йили ташкил этилган "Далварзин" маҳалласи аҳли оддий турмуш қулайликларидан ҳам бебаҳра қолган.*

**Азизбек МАМАТХОДЖАЕВ,**
Андижон шаҳар прокурори

Маҳалла гузари, савдо дўкони, поликлиника, болалар боғчаси, мактаб, почта алоқа бўлими, банк филиали, пайнет, милиция таянч пункти, чойхона, ошхона, новвойхона, спорт майдончаларини барпо этиш ишлари йиллар мобайнида ортга сурилаверган. Кўчалар асфальтланмаганлиги етмаганидек, тоза ичимлик суви қувурлари хонадонларнинг ярмига ҳам етиб бормаган. Ҳ.Ниёзий, А.Маматқулов, К.Аҳмадий, Мунтазир номли кўчаларга қувурлар тортилмаган.

Шаҳар прокуратураси томонидан мутасадди идоралар раҳбарлари билан ушбу маҳаллада мактаб қурилишини тезлатиш, ичимлик суви қувурларини барча хонадонларга етказиш, шунингдек, маҳалла гузарини барпо этиш масалалари кўриб чиқилди. Шаҳар ҳокимлигига, вилоят халқ таълими бошқармаси ва бошқа тегишли идораларга киритилган тақдимномалар кўриб чиқилиб, амалий ишга киришилди.

Коммунал хизмат ҳақларидан қарздорликни ундириш борасида қилинаётган ишларнинг таҳлили жараёнида бир неча йиллардан бери ҳал этилмаётган яна бир муаммо кўндаланг бўлди. Хусусан, таҳлиллар истеъмол ортадиган куз-қиш ойларида табиий газ билан таъминлаш мутлақо қониқарсизлигини кўрсатди. Бу эса истеъмолчиларнинг ҳақли эътирозларини туғдирган.

Маълум бўлишича, шаҳарнинг айрим ҳудудлари, хонадонларига ёнилғи етиб бормаётганлигининг сабабларидан бири юқори босимли тармоққа ноқонуний ва ўзбошимчалик билан уланиб олиш экан. Чунончи, электрон газ ҳисоблаш ускунаси орқали ўтказилган мониторингда ноқонуний уланишлар оқибатида 337 минг куб метр газ йўқотилаётгани аниқланди. Мутахассислар жалб этилиб, Обод, Лойиҳавий, Шаҳидтепа кўчаларида ўтказилган текширишларда хонадонларига оҳак, оқ суруп ишлаб чиқариш цехларини, иссиқхоналарни қуриб олган ўзбошимчаларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. 51 та табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланиб, 8 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди. 43 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, 46,7 млн. сўмлик зарарни ундириш учун судларга 19 та даъво аризалари киритилди. Етказилган зарарнинг 2,7 млн. сўми ихтиёрий ундирилди.

Газ тармоқлари қувурларидаги босимнинг бир меъёрда эмаслиги натижасида истеъмол ҳажми ортадиган қиш кунларида шаҳарнинг айрим ҳудудларига ёнилғи етиб бормаган. Шаҳар прокуратураси томонидан ноқонуний уланишларга чек қўйилиши билан бирга, барча турар жой мавзеларини табиий газ билан бир маромда таъминлаш хусусида киритилган тақдимнома "Ўзтрансгаз" АК, "Водийгазтаъминот" УК томонидан кўриб чиқилди. Шаҳарнинг Қўшариқ, Шимолий кичик даҳа ва шу яқин атрофдаги кўчаларига газ таъминотини яхшилаш мақсадида 3,6 км.лик юқори босимли қўшимча қувур тортиб, газ тақсимлагич ускунасини қуришга киришилди.

Фаолиятимиз давомида яна бир ижтимоий муаммо — ишсизликни бартараф этиш, битирувчи ёшларни иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Шаҳар прокуратурасида корхона, ташкилот ва таълим муассасаларининг раҳбарлари билан ўтказилган бевосита мулоқотда шу йил ўқишни битирадиган 57 нафар ёшни ишга юбориш, қабул қилиш тўғрисида уч томонлама шартномалар тузилди. Ҳокимлик, бевосита манфаатдор муассаса ва корхоналар билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар натижасида бу йил 20 та коллежнинг 7913 нафар битирувчиларидан 7465 нафарини ишга жойлаштириш ҳақида билим юртлари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари уч томонлама шартномаларни имзолашди. Олий Мажлис Сенатининг 2011 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида вилоят прокуратураси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, солиқ, меҳнат ва бандлик идоралари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси томонидан тайёрланган режага мувофиқ шаҳарда бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилмоқда. Теннис корти спорт мажмуаси боғида ташкил этилган ярмаркада 89 та корхона ва муассасалар 375 та иш ўринларига таклиф билан чиқишди. Ташриф буюрган 550 нафар иш изловчининг 109 нафари ўзига мақбул корхоналарга касб-кори бўйича ишга жойлашиш имкониятидан фойдаланди. Ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи майдонида ўтказилган ярмаркада эса 145 нафар аёллар, битирувчи ёшлар, муқаддам судланганлар ишга йўлланмалар олишди.

Бундан ташқари, шаҳар прокуратураси томонидан ташкил этилган "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқий маслаҳат бериш Маркази"да очиқ мулоқот, савол-жавоб тариқасидаги учрашувлар ташкил этилмоқда. Тадбиркорларни амалдаги ҳамда янги қонунлар билан таништириш борасида белгиланган тадбирлар доирасида семинар машғулотлари ўтказилди. Унда банк муассасалари, давлат солиқ хизмати ходимлари маърузалар билан чиқишди. Муваффақиятли фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар иш тажрибалари билан ўртоқлашишди. Марказдаги мулоқотларда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган 161 нафар шахсга рўйхатдан ўтиб иш бошлашлари учун ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ҳам ҳавола этиляпти. 2010 йилда банклар томонидан 68 млрд. сўмлик кредитлар берилган бўлса, бу йил 75 млрд. сўмлик кредитлар ажратилмоқда.

Тадбиркорлар шаҳардаги кенг кўламли қурилишларга сармояларини киритишяпти, бевосита турар жой, савдо ва хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишмоқда. Шу тариқа шаҳримиз борган сари обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Фуқаролар истиқлол неъматларидан, барча турдаги энг замонавий хизматлардан баҳраманд бўлмоқдалар.

## Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки **«007»** қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

| № | Прокуратура органлари | Ишонч телефонлари | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси | Код: 8371 | 232-43-91<br>232-45-40 |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти | Код: 8371 | 233-84-20 |
| 3. | Андижон вилоят прокуратураси | Код: 8374 | 224-06-09 |
| 4. | Бухоро вилоят прокуратураси | Код: 8365 | 223-74-79 |
| 5. | Жиззах вилоят прокуратураси | Код: 8372 | 226-09-62 |
| 6. | Қашқадарё вилоят прокуратураси | Код: 8375 | 221-07-82 |
| 7. | Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси | Код: 8361 | 222-26-39 |
| 8. | Навоий вилоят прокуратураси | Код: 8436 | 225-07-17 |
| 9. | Наманган вилоят прокуратураси | Код: 8369 | 226-23-02 |
| 10. | Самарқанд вилоят прокуратураси | Код: 8366 | 235-07-34 |
| 11. | Сирдарё вилоят прокуратураси | Код: 8367 | 223-38-22 |
| 12. | Сурхондарё вилоят прокуратураси | Код: 8376 | 223-20-36 |
| 13. | Тошкент шаҳар прокуратураси | Код: 837 | 271-12-26 |
| 14. | Тошкент вилоят прокуратураси | Код: 8371 | 277-76-18 |
| 15. | Фарғона вилоят прокуратураси | Код: 8373 | 224-04-80 |
| 16. | Хоразм вилоят прокуратураси | Код: 8362 | 227-45-71 |

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини кундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси**

*Одам савдоси атамаси қуллик даври асоратларини ёдга солади. Афсуски, глобаллашув жараёнида инсониятнинг мўмай даромадга, ширин ҳаётга ўчлиги ортиши оқибатида бу туркум жиноятлар яна авж олди. Ачинарлиси, одам савдоси халқаро терроризм, гиёҳвандлик каби иллатлар қатори тарқалиши тез, оқибати оғир бартараф этиш мураккаб бўлган жиноятга айланиб улгурди. Статистик маълумотлар, ер юзида миллионлаб инсонлар одам савдоси қурбонига айланишаётганини тасдиқлайди. Одам савдоси қурбонлари аксарият ҳолларда ўз саломатликларидан айрилмоқдалар, маънавий-руҳий зарбаларга дучор бўлмоқдалар. Бундай жиноят жабрдийдалари орасида аёллар ва болаларнинг борлиги айниқса ачинарлидир.*

# Қулликка рози бўлманг!

**Ғайрат СУЛТОНОВ,**
Хива туман прокурори ўринбосари

Мамлакатимизда бу каби жиноятнинг кенг урчишига йўл қўймаслик мақсадида одам савдосига қарши кураш борасида дастурий режалар белгиланди, уларнинг ижроси изчиллик билан таъминланмоқда. "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши мазкур қилмишга қарши курашишнинг ҳуқуқий асос ва механизмини белгилаб берди. Афсуски, олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига, атрофдаги мисолларга қарамасдан ҳали ҳам ушбу жиноятни содир қилувчилар ва онгли равишда унинг қурбонига айланувчилар топилиб турибди.

Хива туман прокуратураси томонидан қўзғатилган навбатдаги жиноят иши одам савдоси билан боғлиқ бўлиб, у Режепова Арзигул ва Холмедов Шерзодларга нисбатан қўзғатилган. Ушбу жиноят ишининг қўзғатилишига эса Хива шаҳар "Гиламчи" маҳалласида яшовчи Сумбул Аллаярова ҳамда Хива тумани Огаҳий фермерлар уюшмасида яшовчи Хуршидпашша Раҳмоноваларнинг аризаси асос бўлган. Олиб борилган кенг қамровли тергов жараёнида Арзигул Режепова бир эмас, бир неча қизларнинг тақдирларига қора доғ битилишига сабабчи бўлган.

Содда қизлар билан дўстлашиб, уларга ўз уйидан ижарага жой бериб келган Арзигул Режепова уларга бот-бот уқтирарди: "Бу ерда нима бор? Арзимаган сариқ чақага шунча азоб чекишнинг нима кераги бор. Ундан кўра, Дубайга юбораман. Ҳафтасига 500 доллар даромад қилиб, бир йилга қолмай, уй, машина оласан".

Албатта, унинг бу сўзларига лаққа ишонувчилар оз эмасди.

Танишларидан бири Арзигулга Дубайда асли нукуслик бўлган Гулбаҳор Навразова деган аёл борлигини, у қизларни фоҳишалик қилиш учун Дубай меҳмонхона ва тунги клубларига жойлаштириш билан шуғулланишини айтганида, тезлик билан ўша аёлни топиш пайига тушди. "Кўр кўрни қоронғида топади" деганларидек, бу икки аёлнинг савдоси тез пишди. Телефоннинг ўзида савдо масаласини ҳал қилишди. Телефондаги келишувга мувофиқ, 2009 йил мартида Арзигул Дубайга хивалик Моҳинур ва Насима (исмлари ўзгартирилган) исмли қизларни юборди. Улар учун тегишли пулларни олди. Бир зумда келган каттагина даромад Арзигулни шоширимб қўйди. У энди янада кўпроқ қиз топиш ва Бирлашган Араб Амирлигига жўнатиш пайига тушди. Сарви ва Нозималар унинг навбатдаги қурбонига айланишди. Кейин эса Зарина, Ширин, Хонзода ва яна бир неча қизларни шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш учун Дубайга юборди.

Унинг навбатдаги қурбони эса вояга етмаган Шайдо исмли қиз бўлди. Шайдонинг онаси Россияда савдо-сотиқ билан шуғулланарди. Отаси эса ўгай. Бундай шароит унинг кўнглига келганини қилиб, ўз билганича яшаши учун имконият яратиб берди. Бундан хабар топган Арзигул эса қизни алдаш пайига тушди. Содда қиз Арзигулнинг алдовларига лаққа учди ва ширин орзуларга берилиб, БАА томон йўл олди.

Қизининг йўқолгани ҳақидаги хабар онасини ортга қайтишга мажбур қилди. Таниш-билишларидан суриштириб, унинг Дубай шаҳридалигини, Шерзод исмли йигит қўлида фоҳишалик қилиб юрганини билди. Шошилганича қонун ҳимоячиларидан кўмак сўради.

Шерзод деганлари Гулбаҳор Навразованинг ўғли бўлиб, одам савдоси билан шуғуллангани учун муқаддам судланган, синов шарти билан қамоқдан озод қилинган. Афсуски, олган жазоси унга кор қилмади. Аксинча, синов муддатида бўлганлиги туфайли унга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш тақиқланганлигига қарамасдан, ноқонуний равишда Бишкек орқали БААга ўтиб, эски корини давом эттирди.

Қилмиш — қидирмиш дейдилар. Режепова Арзигул ва Холмедов Шерзодлар тегишли жазосини олдилар. Аммо, ҳали ҳам орамизда одам савдоси қурбонлари учрар экан, хотиржам бўлишга ҳаққимиз йўқ. Биз айниқса, ёш қизларни ҳаётга чуқурроқ назар ташлашга, арзимаган пул ёки тақинчоқни деб, ўз ҳаётларини хатарга қўймасликка қайта ва қайта чорлаган бўлардик. Бебилиска пул шу пайтгача ҳеч кимга роҳат келтирмаган. Буни ёдда тутайлик.



*Китобингизни ўқидим!*

# Мустақиллик ва прокуратура

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва лебераллаштиришдан иборатдир".***

**Акмал САИДОВ,**
юридик фанлар доктори, профессор

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда изчил ва тизимли амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг барчасини қамраб олди. Демократик ислоҳотларнинг натижаси ўлароқ, истиқлол йилларида Ўзбекистонда конституциявий ҳуқуқий давлат асослари шакллантирилди. Чунки Мустақиллик Қомуси бўлмиш Конституцияда белгилаб берилган давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари тизими ҳамда миллий демократик ҳуқуқий давлатчилик асослари барпо этилди. Ўзбекистонда давлат органлари тизимини шакллантиришнинг муҳим конституциявий принципи бўлмиш давлат ҳокимияти ваколатларини тақсимлаш тамойили ҳаётга тўлиқ татбиқ этилди.

Давлат ҳокимияти ваколатлари тақсимланишининг конституциявий тизимида прокуратура органлари алоҳида ўрин тутади. Худди шу илмий-назарий, амалий ва маънавий-мафкуравий аҳамиятга молик муаммони таҳлил қилиш амалиётчи ва ҳуқуқшунос олим, юридик фанлар доктори З.С.Ибрагимовнинг "Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси" номли йирик монографияси бағишланган. Бошқача сўз билан айтганда, истиқлол йилларида Ўзбекистонда прокуратура органлари тизимининг шаклланиши ва тараққиётининг асосий босқичлари, давлат органлари тизимида тутган ўрни, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишдаги ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти ушбу китобнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Асарда ҳокимият ваколатларининг бўлиниши нуқтаи назаридан давлат ҳокимияти органлари тизимида прокуратуранинг ўрни ва роли илмий-амалий жиҳатдан ишонарли тарзда очиб берилган. Бу ўринда З.Ибрагимов ҳокимият бўлиниши таълимотига оид миллий ва хорижий юридик адабиётлардаги турли, айрим ҳолларда ўзаро қарама-қарши фикр ва қарашларни атрофлича таҳлил этган. Маълумки, умумэътироф этилган қоида сифатида барча давлат органлари уч тармоққа, яъни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига бўлинади. Ушбу XVII асрдан бери француз мутафаккири Шарль Луи Монтескьедан бошлаб кенг тарқалган демократик ҳуқуқий ғоя, қадрият ва тамойил атрофида сўнгги чорак аср давомида ҳуқуқшунос олимлар томонидан турли янги ғоя ва таклифлар билдирилмоқда. Айрим мутахассислар давлат ҳокимияти уч тармоқ билан чекланмайди деб, "сайлов ҳокимияти" (А.Автономов), "контроль (назорат) ҳокимияти" (В.Чиркин) ва "банк ҳокимияти" (В.Тосунян) ҳам бор деган фикрларни билдирмоқдалар. Албатта, бундай қарашлар билан баҳслашиш ва улар билан келишмаслик мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий назария юридик амалиётни умумлаштиради ва ҳуқуқий тараққиёт учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

З.С.Ибрагимов ҳам ушбу баҳс-мунозарали масала бўйича ўзининг мустақил илмий қарашини, нуқтаи назарини баён этган. Хусусан, монографияда прокуратура органларини давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ҳокимият тармоғи эканлиги асослантирилган. Албатта, муаллифнинг ушбу қарашларига қўшилиш ёки қўшилмаслик ёхуд у билан баҳслашиш мумкин, лекин бу олимнинг ўз қарашларини конституциявий, назарий ва амалий жиҳатдан асослантириб билдирган илмий далиллари билан ҳисоблашмасдан бўлмайди.

Муаллифнинг фикрига кўра, прокуратура органлари фаолиятининг ташкил этилиши ва амалга оширилиши борасида Ўзбекистонда юзага келган асл вазият шундайки, унга биноан, бу идора уч ҳокимият тармоғининг ҳар бири билан ўзаро алоқаларга киришиш ва уларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш имкониятига эга ва аксинча. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида прокуратура бу борадаги кенг кўламли вазифа ва ваколатларини изчил амалга ошириб келмоқда.

Бу соҳада аввалambor, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Прокуратура фаолиятини ислоҳ қилиш, уни собиқ тузум даврида бўлганидек партиявий элита қўлидаги жазолаш қуроли эмас, балки қонунларнинг қатъий ижро этилишини, мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинди".

Прокуратура давлат ҳокимияти тизимида ўзига хос ва ўзига мос мавқега, ўзининг алоҳида ҳуқуқий мақомига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатда барқарорлик, осойишталик ва фаровонликни ҳамда ҳокимият тармоқлари ҳаракатларидаги уйғунлик ва ўзаро ҳамкорликни таъминлаш борасидаги фаолиятининг бевосита ва энг мақбул кўмакчиларидан бири бўлган муҳим конституциявий институт сифатида фаолият кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам мавжуд реал воқелик (дефакто) ҳуқуқий жиҳатдан расмий равишда эътироф этилиши лозимлиги ҳақидаги асар муаллифининг мулоҳазаларини қўллаб-қувватлаш лозим.

З.С.Ибрагимов бу борадаги ўз илмий нуқтаи назарини қуйидагича асослайди:

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясида прокуратура органларининг конституциявий мақоми алоҳида XXIV бобда мустаҳкамланган. Бу дегани прокуратура ҳақидаги нормалар Конституциянинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига бағишланган бобларга киритилмаган;

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 120-моддасига мувофиқ, прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар;

— прокуратура органлари мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар (Конституциянинг 118-моддаси) ва шу боис қонун чиқарувчи ҳокимият тизимига кирмайди;

— Конституциянинг 93-моддаси 12-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Президентнинг бу ҳақдаги Фармонлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ҳисобдордир;

— прокуратура ижроия ҳокимияти органлари тизимига кирмайди, чунки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, яъни Ҳукумат аъзоси эмас (Конституциянинг 98-моддаси);

— Конституциянинг 107-моддасига мувофиқ, прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси суд тизимига ҳам кирмайди;

— Прокуратура органлари ягона марказлаштирилган тизимни ташкил этади ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан бошқарилади (Конституциянинг 119-моддаси).

Муаллиф томонидан санаб ўтилган бу каби ва бошқа конституциявий ва илмий далиллар миллий ва хорижий тажрибаси ҳамда юридик амалиётни чуқур таҳлили натижаси бўлиб, уларга таянилган ҳолда мантиқий хулосага келинган. Яъни, прокуратура органлари давлат ҳокимияти ваколатлари тақсимланишининг конституциявий тизимида мустақил тизимни, аниқроғи, ҳокимият тармоғини ташкил этади. Албатта, бу илмий хулоса асарда ўринли таъкидланганидек, прокуратура органлари давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан мутлақо мустақил бўлиб, улар билан ҳуқуқий алоқаси йўқлигини англатмайди.

Китобда истиқлол йилларида прокуратура органлари тараққиётининг асосий босқичлари ва фаолиятининг устувор йўналишлари ҳам атрофлича ёритилган. Мустақиллик даврида прокуратура органлари тараққиётида икки босқични кўрсатиш мумкин. Бундай бўлишга Юртбошимизнинг "Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёт йўли" маърузаси асос бўлиб хизмат қилади.

Ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ 1991-2000 йиллар прокуратура органлари тараққиётининг биринчи босқичидир. Бу босқич совет прокуратураси тизимидан демократик ҳуқуқий мустақил прокуратура тизимига ўтиш давридир. Бу даврда Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг конституциявий мақоми ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди.

2001 йилдан бошлаб прокуратура органлари тараққиётида янги иккинчи босқич бошланди. Бу босқичнинг асосий мазмунини суд-ҳуқуқ ислоҳотлари тизимида ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг ўрни ва ролини ошириш ташкил этади. Илк бор Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди. Эндиликда прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлиги даражаси уларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан белгиланади.

Ушбу қонунга мувофиқ "фуқаролар прокурор назорати объектлари қаторидан чиқарилди. Айни пайтда прокуратуранинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш масъулияти оширилди", — деб таъкидлайди Юртбошимиз.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон барпо этаётган демократик ҳуқуқий давлат тадрижий асосларга эга бўлган кучли ислоҳотчилик орқали юксалмоқда. Аслида ҳам шундай. Бир даврдан иккинчи даврга ўтаётган жамият кучли ислоҳотчилик ва бунёдкорлик орқалигина янгилана олади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, янгиланиш ва юксалиш ишларида прокуратура органларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Асар муаллифининг Ўзбекистон давлатининг ҳозирги иқтисодий-сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий ривожланиш босқичида прокуратура органларининг изчил ва самарали фаолиятига эҳтиёж мавжуд, жамият эса ушбу органнинг мавжуд ҳуқуқий мақомда ишлашидан манфаатдор эканлиги ҳақидаги фикрига қўшилмасдан бўлмайди.

Шундай қилиб, юридик фанлар доктори З.С.Ибрагимовнинг "Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси" номли монографияси мазмун-моҳияти билан ҳуқуқшунослар ва кенг китобхонлар оммасини таништириш алоҳида аҳамият касб этишига ишончимиз комил.

*Нидиц*

# Инсон ҳуқуқлари — устувор қадрият

*(Давоми. Бошланиши 3-бетда)*

Ана шундай эзгу мақсадларнинг рўёби эса мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигини таъминлашга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бунда прокуратура органлари зиммасига катта масъулият тушади. Вилоят прокуратураси органлари ҳам ана шу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ўз фаолиятларини ҳозирги юксак талаблар даражасида ташкил этишга ҳаракат қилмоқдалар. Қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича мунтазам ва самарали иш олиб борилмоқда. Вилоятдаги ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ўзаро ҳамкорликда кўрган чоралар ва амалга оширилган кенг қамровли тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган етти ойи давомида умумий жиноятлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан камайишига эришилди.

Фуқароларнинг меҳнат қилиш, дам олиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ишчи-хизматчиларга ойлик маошларининг ўз вақтида тўланиши, аҳолининг, хусусан, кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий муҳофазаси каби долзарб масалалар прокуратура органларининг доимий эътиборида бўлиб келаяпти.

Ўтган давр мобайнида вилоят прокуратураси органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда юридик шахслар ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан 170 та текшириш ўтказилиб, фуқаролик ишлари бўйича судларга 18984 та 8 млрд. 124 млн. 885 минг сўмлик, хўжалик судларига эса 5 млрд. 676 млн. 356 минг сўмлик даъво аризалари киритилган.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра 2 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Судларда жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлашда муайян ижобий натижаларга эришилди. Судларнинг асоссиз қарорларига нисбатан апелляция ва кассация протести келтириш самарадорлиги ошди, қонунчилик тарғиботи бирмунча яхшиланди.

Прокуратура органлари фаолиятининг барча йўналишларида олиб борилаётган ишлар, энг аввало, инсон ва унинг манфаатларини ҳимоялашга қаратилгани, "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси" руҳи ва қоидалари асосида ишлаб чиқилган Конституциямизнинг мазмун-моҳиятига тамомила мос келади, унда қўйилган улуғвор мақсадларни рўёбга чиқариш учун хизмат қилади.

Ҳар қандай давлат ва жамиятнинг демократик ҳамда инсонпарварлик жиҳатлари инсонга бўлган муносабат, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари қай даражада ҳимоя қилинаётганлиги билан баҳоланади. Бу борада мамлакатимизда жуда катта ишлар қилинаётганлигини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз ва бутунжаҳон сиёсатдонлари томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда. Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида ислоҳотлар самара бериши учун юксак масъулият билан ишлаб, изланишлардан асло чарчамаслигимиз лозим. Прокуратура фаолиятида ошкораликни таъминлаш, оддий фуқаролар қалбига кириб бориш ва уларнинг ишончини оқлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш олдимизда турган вазифамиз ва шарафли бурчимиздир.

# Ўрганган кўнгил...

**Комил ТАДЖИКУЛОВ,**
Олмазор туман прокурори
**Гули ҲОЖИБОЕВА,**
«Нидиқ»

Бекорчиликдан Талабалар шаҳарчасини айланиб юрган Даврон билан Бахтиёр танишлари Илёсни учратиб қолишди.

— Илёс, ўзингмисан? Кўринмайсан, хўш, нима ишлар қилиб юрибсан?

— Бекорчилик. Ўзларинг-чи?

— Биз ҳам сенга ўхшаб бекорчимиз. Бундай юриш ўзимизнинг ҳам жонимизга тегди. Бирор иш борми?

— Менда бир таклиф бор...

— Қани гапир! Нима таклиф экан? — қизиқиб сўради Даврон.

Илёс ўз режасини айтиб берди...

2010 йил 3 сентябрь. Йигитлар Илёснинг режаси бўйича Олмазор туманидаги дўконлардан бирининг ёнида пайдо бўлишди. Дўкон олдида мактаб борлигини ҳисобга олиб, ён томондаги омбор эшиги орқали ичкарига киришга қарор қилишгач, Даврон йўл бошлади. У мактаб ҳовлисини айланиб ўтиб, омбор эшигининг тутқичидан ушлаган ҳам эди, сигнализация ишлаб кетди. Шовқинни эшитган мактаб қоровули ташқарига чиқди. Уни кўрган йигитлар қочиб қолишди.

Бир жойга йиғилганларидан кейин Илёс аламини Даврондан ола бошлади:

— Аҳмоқ, сал қолди-ку қўлга тушишимизга...

— Сўкинма, тушундингми? Ўша жойни ўзинг танлагансан-ку!

Бахтиёр ўртага тушди:

— Бўлди қилинглар! Бунақаси ҳам бўлиб туради-да. Даврон ҳали ёш, бунақа ишларда тажрибаси камроқ. Урушгандан фойда йўқ. Ундан кўра навбатдаги ишларни режалаштирайлик...

— Дўкон бизга бўлмайди. Ҳозир камера ёки сигнализация ўрнатилмаган дўконнинг ўзини тополмайсиз, — деди Даврон ўзини оқламоқчи бўлгандай.

— Кимда бошқа таклиф бор? — сўради Илёс.

— Машиналарни кўрамизми? — гап қўшди Бахтиёр...

2010 йилнинг 17 август. "Карвон" бозори олдида Т.Шерматовага тегишли автоуловни олиб қочгач, Учтепа туманида машина салонидаги автомагнитафон билан бар мосламасини ечиб олган Илёс, машинани ўша жойда қолдириб, воқеа жойидан яширинди.

Орадан бир ойга яқин вақт ўтгач, Илёс Фарҳод кўчасидаги кафе олдида қаровсиз қолдирилган автоуловни миниб қочади. Фаробий кўчасига келиб, "Пионер" русумли карнайларни ечиб олади.

25 сентябрь куни Уйғур кўчасида қолдирилган автомашина ҳам тезда Юнусобод тумани Боғишамол кўчасига олиб бориладида, калитлар тўплами, домкрат, насос ва электр симлари ўғирлаб кетилади.

Гуруҳ аъзоларидан бири Даврон шеригидан ортда қолишни истамади. У 11 октябрь куни Олмазор туманидаги коллежлардан бирининг ўқув хонасидан таниши И.Усмоновага тегишли "Нокиа" русумли уяли телефон аппаратини ўғирлаб чиқади.

Бахтиёр бўлса, айнан шу кун ярим тунда Зарбдор кўчасида жойлашган озиқ-овқат дўконига кириб, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда нархи 250 минг сўмлик "Кама" русумли велосипедни ўғирлаб, воқеа жойидан яширинади.



Учовлоннинг қилмишлари ҳақида яна анча ҳикоя қилиш мумкин.

Айтмоқчи, 4 декабрда Тошмуҳаммедов кўчасида истиқомат қилувчи С.Ибрагимовга тегишли, нархи 3 млн. сўмлик тилладан ишланган билакузуклар билан 200 минг сўмлик аёллар тилла узугини ўғирлаган ҳам ушбу гуруҳнинг аъзоси Илёс Йўлдошев бўлади...

Орадан кўп ўтмай гуруҳни янада кенгайтирмоқчи бўлган Илёс укалари Илҳом билан Икромни олдига чақирди.

— Иккалангни ойлик даромадинг қанча? — дея гап бошлаб, жавобини эшитмаёқ, давом этди: — Яқинда эски танишлар билан фирма очдим. Даромад зўр, иш кўп. Муаммо эса ишчиларда.

— Ишчиларингизга нима бўлган?

— Буюртмалар кўплигидан ишчилар етишмаяпти. Шу сабабли сизларни ёнимга олмоқчиман. Маошингиз ишингизга қараб бўлади. Кўп ишлаганлар ойига бир миллионгача олиши мумкин.

Илҳом билан Икром унинг "маошингиз миллионгача" чиқиши мумкин, деганига лол бўлганча бирга ишлашга розилик беришди. Шундай қилиб, Илёс жирканч манфаати йўлида вояга етмаган укаларини ҳам жиноятга етаклади.

«Бузоқнинг югаргани сомонхонагача» деганларидек, кунларнинг бирида бешовлон Ходжаева кўчасидаги дўконга ўғирликка тушишди-ю, аммо сигнализация ишлаб қолганлиги сабабли, қочишди. Дўкон олдидаги мактаб қоровулининг ўз вақтида берган хабари туфайли ўларнинг "саргузашти" поёнига етди.

# Етмиш бирга кирганда...

**Дилмурод БАЙМЕТОВ,**
Сирғали туман прокурорининг иш ўрганувчи ёрдамчиси

***Маълумки, маст одам жаҳолат қўлидаги қўғирчоққа айланади. Шунинг учун жиноятларнинг аксарият қисми мастлик оқибатида содир этилади. Ичкиликка муккасидан кетган киши куни келиб, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолади. Ачинарлиси, бунда мутлақо бегуноҳ кишилар жабр тортадилар.***

Тўлқин Дамиров (барча исм-фамилиялар ўзгартиб берилган) аллақачон невара-чeвараларига панд-насиҳат қилиб, уларни тўғри йўлга бошлайдиган, ўрнак кўрсатадиган ёшга етиб қўйган. Аммо ёши бир жойга борганига қарамай, ҳамон ёшлигини қумсаб, улфатчиликдан боши чиқмас эди. Турган гапки, бундай улфатчиликлар "шайтон суви"— сиз ўтмас эди.



Ўша куни, яъни ўтган йилнинг 13 сентябрида ҳам у шишадош улфатлари билан майхўрлик қилиб, уйига қайтаётган эди. Уйига яқин қолган паллада қўшниси К.Саломовга дуч келди. Қўшнинининг ҳам "томоғи тақиллаб" турган экан, шекилли, бир шиша арoқ қучоқлаганча гандираклаб келаётган Тўлқин Дамировни уйига таклиф қилиб қолади.

Камтарона зиёфат бошланган чоғда икки уй наридаги қўшни Ҳотам Ҳамидов келиб қолади.

Маст одам билан маст бўлмаган одамнинг гапи қачон чиқишган?

Бу сафар ҳам шундай бўлди: Т.Дамиров ва Ҳ.Ҳамидовлар гап талашиб қолишади. Ўғли тенги одамдан дакки эшитган Т.Дамиров сўкинганча кўчага чиқиб кетади. Аммо жуда тез қайтади.

Энди унинг қўлида пичоқ бор эди. Тўғри Ҳ.Ҳамидовнинг устига бостириб бориб кутилмаганда унинг томоғига тиғ уради...

Воқеадан хабар топганлар жабрланувчи Ҳ.Ҳамидовни тезлик билан шифохонага олиб боришади. Афсуски, кўрсатилган тиббий ёрдамлар бесамар кетади. У шифохонада жон беради. Шу тариқа яна бир инсон ичкилик қурбонига айланади.

Судда Т.Дамиров қотилликка қўл уриш мақсади бўлмаганини, барчасига мастлик сабаб бўлганини айтиб, пушаймонлик билдирди. Аммо сўнгги пушаймондан нима наф? Қолаверса, мастлик жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат саналади.

71 ёшида оғир жиноят — қотиликка қўл урган Т.Дамиров Жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг ҳукми билан ўн йилу 3 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.



# «Интиқом»

**Дамиржон МАҲМУДОВ,**
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Ишдан эртароқ чиққан Дилноза (исм-фамилиялар ўзгартирилган) уйига эмас, онасиникига йўл олди. Бу ерга келгани бир томондан тўғри бўлган экан, баҳонада яқинда кўзи ёриган жиянига тиббий кўрикдан ўтишида ҳамроҳлик қилди. Уйга қайтиб, ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтиришар экан, қоронғи тушганини ҳам сезмай қолишди.

Бир маҳал эшик тақиллаб қолди. Дилноза чиқса, қўлтиғига бир шиша арoқ қистирганча Равшан турибди. Кўринишидан кайфияти унчалик яхшига ўхшамади. Дилноза уни ичкарига таклиф қилган эди, ноз қилиб ўтирмай, тезда тўрдан жой олди. Кейин бўлса, уйдагилар билан салом-алик ҳам қилар-қилмас, қўлтиғидаги шишани очди-да, кетма-кет икки пиёла қуйиб ичди. Шундан кейингина сал ўзига келди шекилли, Дилнозага табассум улашиш баҳонасида уйга қачон қайтишини сўради. Дилноза унинг кайфи борлигини баҳона қилиб, бугун шу ерда қолишини айтган эди, Равшаннинг жаҳли чиққандек бўлди. Дилноза нима қилишни билмай қолди. Равшаннинг гапига кўниб, бирга кетай деса, кайфи бор, у бундай пайтда унча-бунчани тан олмайди. Йўқ деса, қонунан расмийлаштирилмаган бўлса-да, ўрталарида ўқитилган шаръий никоҳни пеш қилиб, эрлигини даъво қилганча, тўполон қилишдан ҳам тоймайди.

Бахтига Равшан унга ортиқча тирғалмади. "Бўлмаса, мен ўзим уйингга бориб ётаман", деди-да, чиқиб кетди. Дилноза шу ерда ётиб қолди. Аммо ҳали тонг отмасданоқ кимдир чақираётганини айтганча, онаси, уни уйғота бошлади. Дилноза уйқули кўзларини ишқалаганча дарвозага яқинлашдию, у ерда турган Равшанни кўриб, аввалига ҳайрон бўлди. Кейин нимагадир юрагини қандайдир ғашлик эгаллаётганлигини ҳис қилди.

— Ҳа, тинчликми?

— Катта сумка топиб бер.

— Нимага?

— Ишинг бўлмасин. Тез топ.

— Бу ерда сумка йўқ. Аммо меникида бўлиши керак.

Равшан индамай чиқиб кетди. Дилноза бўлса, унинг орқасидан ҳайрон бўлганча қараб қолди. Кейин уй ишлари билан андармон бўлиб, Равшанни деярли унутди. Бироқ... кун тушликка яқинлашганда кириб келган опаси Дилбарнинг унга кўзи тушди-ю, бир четга тортди:

— Дилноз, сени уйингни ёнидаги ахлатхонадан бир аёлнинг жасадини топишибди. Эшитмадингми?

Бу хабарни эшитиб Дилнозанинг юраги орқага тортиб кетди. Нима учундир Равшанни эслади. Кейин онасига айтиб, уйига жўнади. Маҳалласига етиб келганда, уйнинг ёнига тўпланганлар ҳали тарқалмаган эди. Дилноза бир-икки танишлардан нима гаплигини сўрагач, квартираси томон ошиқди. Ичкарига киргач, ечинганча ухлаб ётган Равшанни учратди. Уни уйғотиб, кийимларини сўраган эди, ваннахонада деган жавобни олди. Кир бўлган бўлса, юваман дея у ерга кирди, аммо кийимларни тополмади.

— Кийимларинг йўқ-ку! Айтмоқчи, эшитдингми, пастда Сожида деган аёлни ўлдириб кетишибди.

— А, ўлдириб кетишибди? — у шундай дея у ёқ-бу ёққа алангладида, аёлга юзланди: — Дилноз, секинроқ гапир, биров эшитмасин. Сен эшикни қулфлаб, онангникига кетгин. Мен шу ерда қоламан.

— Нима?! Нимага унақа деяпсан? — Дилноза шундай дер экан, хаёлига келган фикрдан эси чиқиб кетаёзди: — Шошма, мабодо ўша аёлни сен ўлдирмадингми?

— Йўқ, мен ўлдирмадим.

— Тўғрисини айт, сен ўлдирдингми? Кийимларинг ҳам йўқ, нималар бўлаяпти ўзи?

Равшан шундан кейингина Сожидани ўлдирганлигини нoилож бўйнига олди. Дилноза бу гапни эшитгач, тезда бу ердан чиқиб кетишни талаб қилган эди, йигит, кечқурун ўзи кетишини, ҳозирча эшикни ҳеч кимга очмасликни илтимос қила бошлади. Дилнозанинг унга раҳми келди...

* * *

Дилнозанинг ёнидан чиққан Равшан унинг уйига боргач, ёнидаги калит билан эшикни очиб, ичкарига кирди. Боя ичишни бошлаган арoқни олиб, ўзини ўзи меҳмон қилди. Бироз ўтиргач, кўчага отланди. Мактаб биноси ёнидан ўтаётганда узоқдан Сожидага кўзи тушди-ю, ғазабдан титраб кетди.

"Ҳа, қўлга тушарkансан-ку! Сени деб шунча йил ўтириб келдим. Энди ўчимни оламан". У шундай хаёллар билан аёлнинг ортидан тушди. Тезда унга етиб олди-да, ўзи билан юришни буюрди. Буни қарангки, Сожида ҳам яхшигина маст экан, унга қаршилик кўрсатиш баробарида, нафсониятига тегадиган гапларни гапира бошлади. Бундан янада жаҳли чиққан Равшан агар ҳозир ўзи билан бормаса, сўйиб ташлашини айтиб қўрқитган эди, аёл жимиб қолди. Улар яқиндагина Равшан чиқиб кетган Дилнозанинг уйига кириб келишди. Ичкарига киришди-ю, аёл яна тўполон қила бошлади. Энди Равшан ўзин идора қила олмади. Қўлига тушган омбир билан Сожиданинг бошига кетма-кет ура бошлади. Кейин ошхонадан пичоқ олиб келиб, ишини давом эттирди. Аёлнинг ўлганлигига ишонч ҳосил қилгач, жасадни йўқотиш пайига тушди. Сумка қидириб тополмагач, Дилнозани излаб онасиникига борди. Ундан уйда борлигини эшитиб, орқасига қайтиб келдида, жасадни сумкага жойлаб, ярим тунда ахлатхонага чиқариб ташлади...

Қотилни эртаси куни Дилнозанинг ётоқхонасидаги диван тагидан топиб, ҳибсга олишди. Дастлабки терговдаёқ айбини тўлиқ бўйнига олган Равшан Афзалов ҳамда воқеадан хабардор бўлса-да, бу ҳақда хабар бермаган Дилноза Салимовалар суд томонидан тегишли жазога тортилдилар.

# ТЕНДЕР САВДОЛАРИ МУДДАТИНИНГ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА

## ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

(комиссиясининг 2011 йил 25 апрелдаги 02-8-36-сонли қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига асосан аввал эълон қилинган тендерлар бўйича таклифларни қабул қилиш муддатини узайтирилганлигини маълум қилади:

**Тендер таклифиларни қабул қилиш муддати 2011 йил 13 сентябрь куни Тошкент вақти билан соат 12:00да тугайди.**

| Корхонанинг номи | Манзили | Сотиладиган улуш (%) | Бошланғич нархи (АҚШ долл.) | Инвестиция мажбуриятлари (АҚШ долл.) | Тендер ҳужжатлари пакетининг нархи (АҚШ долл.) |
|---|---|---|---|---|---|
| «IPAK YO'LI – TURIZM INVEST» ҚК МЧЖ («Dedeman Silk Road Tashkent» меҳмонхонаси) | Тошкент шаҳри | 39,0 | 11 300 000 | 5 000 000 | 2 000 |
| «ISSIQLIKQUVVATTA'MIR» МЧЖ | Тошкент шаҳри | 25,0 | 640 000 | 150 000 | 100 |
| «Роҳат» болалар соғломлаштириш оромгоҳи | Бухоро вилояти | 100,0 | 36 000 | 50 000 | 100 |

**"Dedeman Silk Road Tashkent" меҳмонхонаси** Тошкент шаҳри марказида, Алишер Навоий ва Амир Темур кўчаларининг кесишмасида жойлашган. "Dedeman Silk Road Tashkent" 4 юлдузли меҳмонхона ҳисобланади. Меҳмонхонада 206 та шинам хона, ресторан, кафе, бар, тунги клуб мавжуд, шунингдек, конференция ва учрашувлар ўтказиш учун барча қулайликлар яратилган. Меҳмонхонада "Life Style" соғломлаштириш клуби фаолият кўрсатади.

**"ISSIQLIKQUVVATTA'MIR" МЧЖ** Тошкент шаҳри Яккасарой туманида жойлашган бўлиб, корхона 1997 йилда ишга туширилган. Корхонанинг асосий фаолият тури қурилиш-монтаж ишлари, капитал таъмирлаш, магистрал ва кварталлар ичидаги иссиқлик ўтказиш тизимларини капитал таъмирлаш ва қуриш, коммунал хўжалиги объектларида умумий қурилиш ишларини олиб боришдан иборат.

**"Роҳат" болалар соғломлаштириш оромгоҳи** Бухоро вилояти, Олот туманида жойлашган. 1974 йилда ишга туширилган бўлиб, Олот туман қишлоқ ва сув хўжалик бўлимининг балансида ҳисобланади. Оромгоҳ йилига 160-190 кишини қабул қилиш ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Жами ер майдони — 9078 м², шу жумладан, асосий бинолар ва иншоотлар жойлашган ер майдони — 895 м2. Оромгоҳ ҳудудида 11 та бино ва иншоотлар мавжуд.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги Билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Ушбу ҳолда Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида Билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатлари учун белгиланган тўловни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қуйидаги ҳисоб рақамларидан бирига ўтказиш лозим:

Олувчининг номи: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилиги Амалиёт бошқармаси;

СТИР: 201 122 919; Олувчининг х/р: 2340 2000 0001 0000 1009;

Олувчининг банки: Марказий банкнинг ҳисоб китоб касса маркази Ташкент шаҳар бош бошқармаси;

Тўлов деталлари: ЎзР. Давлат мулки қўмитаси х/р 401 010 860 262 947 950 100 021 003, тендер ҳужжатлари учун; .

СТИР: 201 122 696;

Банк коди: 00014.

Валюта рақами: 2020 3840 5006 0028 9001

"Ипак Йўли" АИКБ, Тошкент ш., А.Қодирий, 2.

ИНН 200542744, Банк коди 00444, S.W.I.F.T. код: INIPUZ22

**Тендер таклифларини очилиши 2011 йил 1 сентябрь куни Тошкент вақти билан соат 16:00да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қаватда) бўлиб ўтади.**

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ушбу кунда сотилмаган давлат активларининг тендер савдоси 2011 йил 13 октябрь куни соат 16:00да бўлиб ўтади.

**Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:**

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси,
Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй.
Маълумот учун тел.: +998 (71) 259-21-79, 259-21-38.
Факс: +998 (71) 259-21-38. Веб сайт: **www.gki.uz**

# УВЕДОМЛЕНИЕ О ПРОДЛЕНИИ СРОКА ТЕНДЕРА

## ГОСУДАРСТВЕННАЯ КОМИССИЯ ПО ПРОВЕДЕНИЮ ТЕНДЕРНЫХ ТОРГОВ ПРИ ПРОДАЖЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО ИМУЩЕСТВА ИНОСТРАННЫМ ИНВЕСТОРАМ

(решение комиссии от 25 апреля 2011 года №02-8-36)

В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-672 от 20 июля 2007 года уведомляет о продлении срока подачи тендерных предложений по ранее объявленным тендерам:

**Срок приема тендерных предложений истекает в 12:00 часов дня по Ташкентскому времени 13 сентября 2011 года.**

| Наименование предприятия | Адрес | Реализуемая доля (%) | Стартовая цена (долл. США) | Инвестиционные обязательства (долл. США) | Стоимость тендерной документации (долл. США) |
|---|---|---|---|---|---|
| СП ООО «IPAK YO'LI – TURIZM INVEST» (гостиница «Dedeman Silk Road Tashkent») | г.Ташкент | 39,0 | 11 300 000 | 5 000 000 | 2 000 |
| ООО «ISSIQLIKQUVVATTA'MIR» | г.Ташкент | 25,0 | 640 000 | 150 000 | 100 |
| Детский оздоровительный лагерь «Рохат» | Бухарская область | 100,0 | 36 000 | 50 000 | 100 |

**Гостиница "Dedeman Silk Road Tashkent"** расположена в центре города Ташкента на пересечении улиц Алишера Навои и Амира Темура. Гостинице "Dedeman Silk Road Tashkent" присвоена категория "4 звезды". Гостиница имеет 206 комфортабельных номеров, ресторан, кафе, бар, ночной клуб, также имеются все удобства для проведения конференций и деловых встреч. На территории гостиницы функционирует оздоровительный клуб "Life Style".

**ООО "ISSIQLIKQUVVATTA'MIR"** расположено в Яккасарайском районе г.Ташкента. Предприятие введено в эксплуатацию в 1997 году. Основными видами деятельности предприятия являются строительно-монтажные работы, капитальный ремонт и строительство внутриквартальных и магистральных теплосетей, общестроительные работы на объектах коммунального хозяйства.

**Детский оздоровительный лагерь "Рохат"** расположен в Алатском районе Бухарской области. Введен в эксплуатацию в 1974 году, находится на балансе Отдела сельского и водного хозяйства Алатского района. Рассчитан на приём и обслуживание 160-190 человек в год. Общая площадь земельного участка 9 078 кв.м, в т.ч. под зданиями и сооружениями - 895 кв.м. На территории имеется 11 зданий и сооружений.

Инвесторы, желающие участвовать в тендере, должны подать соответствующим образом заполненную и подписанную Заявку на участие и Заявление о соблюдении конфиденциальности.

В этом случае пакет тендерной документации, включающий Информационный меморандум, Правила проведения тендера и Форму тендерного предложения, может быть получен после его оплаты и представления в Госкомимущество Республики Узбекистан заполненной и подписанной Заявки и Заявления о соблюдении конфиденциальности с приложением копии документа, подтверждающего оплату.

Оплату за пакет тендерной документации необходимо перечислить на один из следующих счётов Госкомимущества Республики Узбекистан:

Наименование Получателя: Казначейство Министерства финансов Республики Узбекистан;

ИНН: 201 122 919, Расчетный счет Получателя: 2340 2000 0001 0000 1009;

Банк Получателя: РКЦ ГУ ЦБ по г. Ташкенту;

Детали платежа: Госкомимущество РУ л/с 401 010 860 262 947 950 100 021 003 сбор за тенд. док.;

ИНН: 201 122 696;

Код банка получателя: 00014.

Валютный счёт №20203840500600289001

в ОПЕРУ АИКБ "Ипак Йўли" 100135, г.Ташкент, ул. А.Кадирий, 2

ИНН: 201122696, МФО: 00444 S.W.I.F.T. код: INIPUZ22

Вскрытие пакетов с тендерными предложениями состоится 13 сентября 2011 года в 16:00 часов по Ташкентскому времени в зале заседаний Госкомимущества Республики Узбекистан (5 этаж).

Участники тендера или их уполномоченные представители, подавшие тендерные предложения в установленном порядке, вправе принять участие при вскрытии пакетов с тендерными предложениями.

**В случае не реализации госактивов повторные тендерные торги будут проведены 13 октября 2011 года в 16:00.**

**По всем вопросам, относящимся к проведению тендера, просьба обращаться по адресу:**

Госкомимущество Республики Узбекистан,
Республика Узбекистан, 100003, г.Ташкент, проспект Узбекистанский, 55.
Контактный телефон: +998 (71) 259-21-79, 259-21-38.
факс: +998 (71) 259-21-38, Веб сайт: **www.gki.uz**

# «КЎЧМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Наманган вилояти филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

## Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармасининг тегишли буйруғига асосан қуйидаги ер майдонлари қўйилмоқда:

I. 2011 йил 20 сентябрь куни соат 11:00да ўтказиладиган аукцион савдосига Давлат божхона қўмитаси Наманган вилоят бошқармаси балансидаги Чортоқ туманидаги "Ринжит" божхона постига қарашли "Чортоқ" божхона пункти биноси бошланғич баҳоси — 11801,5 минг сўмда қўйилмоқда.

**Шунингдек, фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун, сотиш ҳуқуқисиз, якка тартибда уй-жой қуриш учун сатҳи 0,04 гадан иборат бўлган:**

***I. 2011 йил 16 сентябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказиладиган аукцион савдосига*** Уйчи тумани Ўнхаят шаҳарча фуқаролар йиғини 271-272-контур ҳудудидан 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14,15,16,17,18,19, 20,21,22-сонли жами 22 та ер майдонлари қўйилмоқда.Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 284 000 сўм.

***II. 2011 йил 20 сентябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказиладиган аукцион савдосига:***

— Уйчи тумани Ёркатай ҚФЙ 37-контур ҳудудидан 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10-сонли 10 та ер майдонлари ва 306-контур ҳудудидан 1,2,3-сонли 3 та жами 13 та ер майдонларикўйил-моқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 262 200 сўм.

— Уйчи тумани Жийдакапа ҚФЙ, Ахси МФЙ, 78-контурдан 5,6-сонли 2 та ер майдони, 28-контур ҳудудидан 1,2,4, 19,20,22,23,27,28-сонли 9 та ер майдонлари, 191-контур ҳудудидан 11-сонли 1 та ер майдонлари жами 12 та ер майдонлари қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 210 000 сўм.

***III. 2011 йил 27 сентябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказиладиган аукцион савдосига:***

— Учқўрғон туман Янгиер ҚФЙ, 2-5-контур ҳудудидан 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14,15,16,17,18,19,20,21,22,23,24,25-сонли жами 25 та ер майдонлари қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 210 000 сўм.

**Юқоридаги ер майдонлари 2011 йил 16, 20, 27 сентябрь кунлари сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 23 ва 29 сентябрь кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.**

***IV. 2011 йил 4 октябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказиладиган аукцион савдосига:***

— Учқўрғон туман Янгиер ҚФЙ, 2-5-контур ҳудудидан 26,27,28,29,30,31,32,33,34,35,36,37,38,39,40,41,42,43,44, 45,46,47,48,49,50-сонли жами 25 та ер майдонлари қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 210 000 сўм.

***V. 2011 йил 11 октябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказиладиган аукцион савдосига:***

— Учқўрғон туман Янгиер ҚФЙ, 2-5-контур ҳудудидан 51,52,53,54,55,56,57,58,59,60,61,62,63,64,65,66,67,68,69,70, 71,72,73,74,75-сонли жами 25 та ер майдонлари қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 210 000 сўм.

***VI. 2011 йил 18 октябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказиладиган аукцион савдосига:***

— Учқўрғон туман Янгиер ҚФЙ, 2-5-контур ҳудудидан 76,77,78,79,80,81,82,83,84,85,86,87,88,89,90,91,92,93,94,95, 96,97,98,99,100-сонли жами 25 та ер майдонлари қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 210 000 сўм.

***VII. 2011 йил 25 октябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказиладиган аукцион савдосига:***

— Учқўрғон туман Янгиер ҚФЙ, 2-5-контур ҳудудидан 101,102,109,104,105,106,107,108,109,110,111,112.113,114,115,1 16,117,118,119,120,121,122,123,124,125,126,127,128,129-сонли жами 29 та ер майдонлари қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 210 000 сўм.

**Юқоридаги ер майдонлари 2011 йил 4,11,18,25 октябрь кунлари сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 1 ва 8 ноябрь кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.**

**Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**— кўрсатилган ер майдони сотиб олиш учун ариза;**

**— харидорнинг ҳуқуқий ҳужжат (паспорт)идан 2 дона нусха;**

**— савдо ташкилотчисининг АТИБ "Ипотека банк" Наманган бўлимидаги МФО: 00223, ИНН: 207122519, Х/р: 20208000104920609015 ҳисоб рақамига 50% миқдорида закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси.**

**Аризалар мазкур эълон чоп этилган кундан эътиборан ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 га қадар кўчмас мулк биржаси Наманган филиалида қабул қилинади.**

**Аризалар қабул қилиш савдо кунидан 3 кун аввал тўхтатилади.**

Манзил: Наманган шаҳар Нодира кўчаси 3-уйнинг 4-қавати. Телефонлар: 226-54-47, 226-27-01. Лицензия: RR-0001

## Табаррук ёшингиз муборак



Иккинчи жаҳон урушида кўплаб қаҳрамонликлар кўрсатиб, юрт тинчлиги, Ватан озодлиги йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсонлардан бири прокуратура фахрийси Анатолий Михайлович Холоимов табаррук 90 ёшни қарши олмоқда.

Анатолий Михайлович урушдан қайтгач, ҳуқуқшунос бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ўқишни битириб, Карелия-Фин чегара қўшинлари ҳарбий прокуратураси ҳарбий терговчиси, собиқ Туркистон ҳарбий округи Тошкент гарнизони ҳарбий прокуратураси ҳарбий терговчиси, Туркистон ҳарбий округи Марий гарнизони ҳарбий прокуратураси катта ҳарбий терговчиси лавозимларида самарали меҳнат қилиб, шарафли йўлни босиб ўтди.

Соҳадаги меҳнат фаолияти давомида ҳам, жамоатчилик ишларида ҳам фаоллиги, самимийлиги сабаб сафдошлари орасида ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлди. Анатолий Михайловичнинг шогирдлари бугунги кунда ҳуқуқ-тартибот органлари тизимида самарали меҳнат қилиб келмоқдалар.

Унинг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Анатолий Михайлович, қутлуғ 90 ёшингиз муборак бўлсин! Бугунги шодиёна кунда Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик тилаймиз.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази**



# Микелнинг отаси ўғирланди

**Мақсудали ҚАМБАРОВ,** «Ниқиқ»

***Бугун футбол шунчаки спорт тури эмас, санъат ва санoат даражасига кўтарилди. Футбол ҳақида нафақат яшил майдонда, балки унинг ташқарисида ҳам жуда кўп гапирилмоқда. Биргина ёзги трансфер ойнаси очилиши билан футбол атрофида кўплаб миш-мишлар тарқалди. Это'О "Анжи"га ўтармиш, Насри "Манчестер Сити"да ёки Сеск Фабрегас ва "Арсенал" муаммоси ҳамда трансфер суммалари жуда кўп тилга олинди.***

Айни пайтда "Челси" жамоаси аъзоси Жон Оби Микел ҳам барчанинг оғзида. Бунга сабаб унинг оиласи бошига оғир кулфат тушди. Футболчининг Нигерияда истиқомат қиладиган отаси номаълум кимсалар томонидан ўғирлаб кетилган. Бу ҳақда SEM Group нашри хабар тарқатган. Футболчи бу ҳақда Англия премьер лигасининг биринчи турида "Сток Сити"га қарши кечган учрашувда майдонга чиқишдан аввал хабар топган эди.

Оби Микел: "Мен уқаловчининг олдида эдим, бош мураббий чақириб қолди. Андре Виллаш-Боашнинг олдига борганимдан сўнг, у менга отамнинг ўғирлаб кетилгани ҳақида айтди. Оиламдагилар уйин ўтмагунга қадар бу ҳақда менга айтишни истамабдилар.

Бу хабардан донг қотиб қолдим. Мураббий мен учун қай бири афзал — майдонга тушишми ёки аксинча экани ҳақида сўради. Ундан менга бир неча соат вақт беришини сўрадим. Оила аъзоларим ва агентим билан суҳбатлашиб олишим керак эди.

Гарчанд оғир қайғуда бўлсам-да, ўйнашга қарор қилдим. Жамоага панд беришни



ва яқинларимни янада хафа қилиб қўйишни истамасдим. Чунки улар менинг ўйнашимни истагандида. Онам билан гаплашганимда, у: "Дадил бўл", деганди.

Жамоадошларим нима бўлганини билмасдилар. Бу ҳақда фақатгина Дидье Дрогба ва яқин дўстим бўлмиш Саломон Калуларга айтдим. Бошқаларга индамай қўйишни маъқул кўрдим. Сабаби, барчанинг ёнимга келиб, "Жуда хафаман", дейишини истамагандим. Барчасини ўзим енгмоқчи бўлгандим".

Лондоннинг "Челси" клуби Оби Микелнинг бошига тушган қайғуни бартараф этишда имкони бўлган барча ёрдамни қилиши борасида расмий баёнот берди. Ушбу хабардан "Челси" клубдигиларнинг барчаси чуқур хавотирга тушишди.

"Биз Микель ва унинг оиласига имкон қадар барча ёрдамни кўрсатиш ва уларнинг ёнида бўлишни ўз зиммамиздаги масъулият деб биламиз", — дейилади лондонликларнинг баёнотида.

ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига ДМҚ Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 16 августдаги 42-од-сонли буйруғига асосан Ангор туман "Ангор" қўрғони "Ўзбекистон" маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳира ер майдонлари ҳисобидан уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун сатҳи 600 кв.м. бўлган 1 дона 1-ер майдони қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 360 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йилнинг 19 сентябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Таблабгорлар диққатига! Мазкур ер майдони 2011 йилнинг 19 сентябрда сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 26 сентябрь куни соат 11:00 да бўлишини олдиндан маълум қиламиз.

2. Аукцион савдосига ДМҚ Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 16 августдаги 42-од-сонли буйруғига асосан Узун туман "Телпакчинор" ҚФЙ, "Обизаранг" маҳалласи ҳудуди 217-контурдан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган, туман ҳокимлиги заҳира ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун сатҳи 500 кв.м. бўлган 7 дона 1,2,3,4,5,6 ва 7-ер майдонлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 100 000 сўм.

3. Узун туман "Узун" ҚФЙ, "Маландиён" маҳалласи ҳудуди 12-контурдан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган, туман ҳокимлиги заҳира ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун сатҳи 600 кв.м. бўлган 18 дона 1,2,3,4,5,6, 7,8,9,10,11,12,13,14,15,16,17 ва 18-ер майдонлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 100 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йилнинг 20 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Таблабгорлар диққатига! Мазкур ер майдони 2011 йилнинг 20 сентябрда сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 27 сентябрь куни соат 11:00 да бўлишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосда иштирок этиш учун талабгорлврдан буюртмаларни қабул қилиш аукцион савдосига уч кун қолганда тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун буюртманомалар шанба ва якшанба (байрамлар)-дан ташқари ҳар куни 18:00га қадар қабул қилинади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжати ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатган ҳолда КМСХ Сурхондарё филиалининг АТБ "Савдогар-банк" Музработ филиали Термиз шаҳар мини банкидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00336, СИТР 207122519, х/р 20208000004920609002.

Савдо ўтказиладиган манзил: Термиз шаҳри Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, Тадбиркорлар маркази биносининг 2-қавати.

Тел: (8-376) 227-57-97,

**RR-0001-сонли лицензия.**

## «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Самарқанд вилоят филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли ҳамда 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига асосан қуйидаги техник носоз ҳолатдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. ДАТ "Асака" банки (ОАЖ) Самарқанд вилоят филиалига қарашли бўлган, Самарқанд шаҳар Кўксарой кўчаси 4-уйда сақланаётган, давлат рақами 30 442 GAA бўлган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 331 000 сўм.

2. Самарқанд вилоят ҳокимлиги Уй-жой коммунал хўжалиги тизимида ислоҳотларни амалга ошириш департаменти балансида бўлган, Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони 1-уйда сақланаётган, давлат рақами 30 116 JAA бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган "ГАЗ-2410" русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 1 520 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 20 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Ушбу автотранспорт воситалари 2011 йил 20 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдолари 2011 йил 27 сентябрь ва 4 октябрь кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади. Аукцион савдолари юзасидан барча маълумотларни (8366) 233-80-56 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБ Самарқанд вилоят филиалининг АТ "Турон" банк Самарқанд шаҳар филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452123, МФО: 00282, ИНН: 200933850. Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85А-уй.

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Бухоро вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси Нутфилло Насриддиновга рафиқаси

**Майрам ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

Бухоро вилоят прокуратураси жамоаси Бухора шаҳар прокурори ёрдамчиси Насрулло Насриддиновга онаси

**Майрам ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

**Huquq** yuridik gazeta

Muassis: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV, Gulnoza RAHIMOVA, Yusupboy G'OIPOV, Svetlana ORTIQOVA, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. Ⓣ — tijorat materiali. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-2509. 51 890 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: Sh.YODGOROV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi : O'.DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.